Adabiyot, madaniyat yashasa — millat yashaydi

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ | Haftalik gazeta 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan | www.uzas.uz | 2017-yil 24-noyabr №48 (4446)

Ўзбекистон — Жанубий Корея: СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК МУНОСАБАТЛАРИДА ЯНГИ БОСҚИЧ

Сеул, 23 ноябрь.
ЎзА махсус мухбири Абу Бакир Ўрозов хабар қилади.

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Корея Республикаси Президенти Мун Чжэ Иннинг таклифига биноан 22 ноябрь куни давлат ташрифи билан ушбу мамлакатга келди.

Ташрифнинг асосий воқеалари 23 ноябрь куни бўлиб ўтди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев дастлаб икки мамлакат иқтисодий ва молиявий тузилмалари раҳбарлари, етакчи ишбилармонлари иштирокида ўтган Жанубий Корея – Ўзбекистон бизнес-форумида қатнашди.

700 дан ортиқ иштирокчи қатнашган форум очилишида Корея Республикаси Президенти Мун Чжэ Иннинг қутлови ўқиб эшитирилди.

Президентимиз ўз нутқида Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқалар изчил ривожланаётгани, мамлакатимизда бизнес юритиш учун замонавий шароит ва имкониятлар яратилганини қайд этди. Ўзбекистон Корея Республикаси бизнес вакиллари билан ҳамкорликни янада кенгайтиришдан манфаатдор эканини таъкидлади.

Ўзбекистонда Корея Республикаси бизнес маркази ташкил этиш таклифини илгари сурди.

Жанубий кореялик молия ва ишбилармон доира вакиллари Ўзбекистонда фаол бизнес юритиш учун яратилган имкониятларни юқори баҳолаб, ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантиришга тайёрлигини таъкидлади.

Шу ерда Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимидаги бир йиллик фаолияти ҳақида корейс тилида "Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев" номли китоб тақдимоти бўлиб ўтди. 50 минг нусхада чоп этилган китоб 8 бўлим, 320 саҳифадан иборат.

Давлатимиз раҳбари Корея Республикаси мустақиллиги йўлида жон фидо қилган қарийб 170 минг одам хоки қўйилган Миллий ёдгорлик мажмуасини зиёрат қилди. Ватанпарварлар хотирасига ҳурмат бажо келтириб, ёдгорлик пойига гулчамбар қўйди.

Шундан сўнг, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевни Корея Республикаси Президентининг "Чонг ва дэ" ("Мовий сарой") қароргоҳида расмий кутиб олиш маросими бўлди. Фахрий қоровул саф тортди. Икки мамлакат давлат мадҳиялари янгради. Президентлар фахрий қоровул олдидан ўтдилар.

Шавкат Мирзиёев ва Мун Чжэ Иннинг тор доирадаги музокарасида мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантиришнинг узоқ истиқболга мўлжалланган устувор йўналишлари, томонларни қизиқтирган долзарб минтақавий ва халқаро масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

Ўзбекистон ва Жанубий Корея халқларини қадимий дўстлик ришталари боғлаб туради. Икки халқнинг маданияти, менталитети ўхшаш. Тақдир тақозоси билан юртимизга келиб қолган корейслар ўзбеклар билан дўст-биродар бўлиб кетган, жамиятимизнинг фаол аъзоларига айланган. Корейс миллатига мансуб юртдошларимиз Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатида, маҳаллий Кенгашларда, бошқарув органларида, иқтисодий-ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида фаолият юритаётир.

Давлатларимиз ўртасидаги дўстона муносабатларни қўллаб-қувватлаш ҳамда халқларимизни янада яқинлаштиришда кўп сонли корейс диаспораси муҳим роль ўйнайди. Ушбу миллат вакиллари МДҲда энг йирик диаспора бўлиб (180 мингдан зиёд), нуфуси жиҳатидан дунёда тўртинчи ўринда туради. Жорий йилда корейс миллатига мансуб юртдошларимиз Ўзбекистонда яшаётганининг 80 йиллиги кенг нишонланди.

Ўзбекистон Республикаси билан Корея Республикаси алоқалари 2006 йилда имзоланган Стратегик ҳамкорлик тўғрисидаги қўшма декларация, 2014 йилда қабул қилинган Стратегик шерикликни янада ривожлантириш ва чуқурлаштириш тўғрисидаги қўшма декларация ва бошқа муҳим ҳужжатлар асосида изчил ривожланмоқда. Бу сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий ҳамда маданий-гуманитар соҳаларда икки томонлама муносабатларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришга хизмат қилмоқда.

Шавкат Мирзиёев самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, халқларимиз ўртасидаги дўстлик муносабатлари тобора мустаҳкамланиб бораётганини таъкидлади.

Корея Республикаси билан Ўзбекистон Республикаси стратегик шериклардир. Жанубий Корея юксак даражада тараққий этган, улкан иқтисодий, илмий-техникавий, инновацион ва интеллектуал салоҳиятга эга давлат сифатида дунёда эътибор қозонган. Очиқлик, ўзаро англашув ва манфаатларга ҳурмат асосида қарор топган ҳамкорлигимизни юксак қадрлаймиз, деди давлатимиз раҳбари.

Давоми иккинчи саҳифада.

Бахтиёр САЙФУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Маданият вазири

МАҚОМ ВА ЗАМОН

Президентимизнинг ўзбек миллий мақом санъатини янада ривожлантириш масалалари бўйича қабул қилган қарори билан яқин бир аср давомида халқимиз интизорлик билан кутган воқелик амалга ошадиган бўлди. Бу қарор, шубҳасиз, халқимиз учун, келажак авлоднинг тарбияси учун муҳим дастуриламалдир. Зеро, Мақомлар ўзбек халқи маданий-маънавий ҳаёти тарихининг оҳангларда юксак ифодасини топган қомусидир. Буюк санъаткорлар, халқ бастакорлари томонидан асрлар оша яратилган мақомларда халқимизнинг руҳияти, маънавияти, миллий қадрияти, ҳаётий кечинмаларининг теран фалсафий моҳияти тараннум этилган. Унинг муайян тартиби, талқин мезонидаги таркиби, замон ва макон билан боғлиқ ижро фалсафаси мавжуд.

Давоми бешинчи саҳифада.

«ТАЪВИЗ УЛ-ОШИҚИН»
девонининг янги топилган қўлёзма нусхаси

Президентимиз Ш.Мирзиёев томонидан жорий йил май ойида қабул қилинган "Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарор бой маънавий меросимизни кўз қорачиғидек асраш, ўрганиш, фанга номаълум қўлёзма асарларни юзага чиқариш ва халқимизга етказишни тақозо қилади. Шоир, тарихчи, таржимон ва давлат арбоби, XIX аср Хоразм адабий муҳитининг забардаст вакили Муҳаммад Ризо Огаҳийнинг назмий дурдоналари жамланган «Таъвиз ул-ошиқин» девонининг яқинда топилган, ҳали фанга номаълум бўлган ўнинчи қўлёзма нусхасини ўрганиш мазкур қарорда белгиланган вазифаларни юзага чиқаришда муҳим ҳисса бўлиб қўшилади.

Тадқиқот, ахборот

Ҳозирги кунга қадар «Таъвиз ул-ошиқин» девонининг фанга тўққизта қўлёзма нусхаси маълум бўлиб, шундан бештаси Тошкентда, Шарқ қўлёзмалари институти фондида, учтаси Санкт-Петербургдаги Россия Фанлар академиясига қарашли Шарқшунослик институти ва Салтиков-Щчедрин номидаги Россия миллий кутубхонаси фондларида ва биттаси Тожикистон Фанлар академияси Шарқшунослик институти фондида сақланмоқда.

Огаҳийнинг назмий меросини манбашунослик нуқтаи назаридан тадқиқ этган адабиётшунос Ф.Ғанихўжаев бу нусхаларни шартли равишда уч гуруҳга ажратиб, Тошкент, Санкт-Петербург ва Душанбе нусхалари деб аташни таклиф қилади.

"Санкт-Петербург қўлёзмалар институти ва Беруний номидаги Шарқшунослик институтида сақланаётган Хоразм туркий адабий манбаларининг комплекс тадқиқи" мавзусида Тошкент давлат шарқшунослик институтида олиб борилаётган фундаментал илмий-тадқиқоти доирасида (2017 — 2020) қўлёзма манбаларни ўрганиш ва юзага чиқариш мақсад қилинган. Тадқиқот давомида мумтоз адабиётимизнинг кам ўрганилган саҳифалари ва илмий жамоатчиликка номаълум баъзи архив материаллари юзага чиқарилади. Лойиҳа давлат сиёсати даражасида аҳамиятга молик бўлиб, Юртбошимизнинг 2017 йил 20 июнда хориждаги маданий меросимизни ўрганиш билан боғлиқ "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистонга оид хориждаги маданий бойликларни тадқиқ этиш марказини ташкил этиш тўғрисида"ги ПҚ-3074-сон қарори, шунингдек, юқорида зикр қилинган "Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлашга қаратилган.

Давоми тўртинчи саҳифада.

ҲАМКОРЛИКНИНГ ОЙДИН ЙЎЛИ
Ўзбек-корейс адабий алоқалари

Ўзбекистон ва жаҳон

Ўзбек ва корейс халқларининг маданий алоқалари қадим илдизларга эга. Тарихий манбаларда эрамизнинг бешинчи асрида бир гуруҳ самарқандлик аскарлар сардори билан Кореяга бориб ўрнашиб қолгани ҳақида маълумотлар бор. Маданий алоқаларимиз теран ўрганилса, яна кўплаб фактлар топилиши шубҳасиз.

Тақдир тақозоси билан Ўзбекистонга кўчириб келинган корейслар ўзбек халқи билан оға-инилардек аҳил яшамоқдаларки, бунга ҳар икки халқнинг қадриятларини эъзозлашидек маънавий яқинлик замин бўлган.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, Жанубий Корея Республикаси билан алоқаларимиз ҳар томонлама ривожланди. Буни адабий алоқалар мисолида ҳам кўриш мумкин. Тошкент давлат шарқшунослик институтида 1994 йили "Корейс филологияси" кафедраси ташкил қилинди. Миллий университет, Жаҳон тиллари университети, Самарқанд чет тиллари институти ва яна бошқа олий ўқув юртларида корейс тили ва адабиёти ўқитилмоқда.

Давоми тўртинчи саҳифада.

БАХТ ОШЁНИ СОҲИБАСИМАН

Бундан атиги бир йил олдин мендек ёлғиз онага биров сенинг ҳам ўз уйинг бўлади, деса сира ишонмасдим. Сергели туманида янги уй-жойлар қурилиб, гўзал мавзелар бунёд этилармиш, дейишганда қанийди, ўша хонадонлардан бири менга ҳам насиб этса, дея орзу қилганим сир эмас.

Миннатдорлик

Турмуш ўртоғим хасталаниб вафот этганида ўғлим етти, қизим икки ёш эди. Ўн беш йил қайнонам билан бирга яшадим. Саккиз жон бир уйда анча қийналиб қолгандик. Қолаверса, фарзандларимнинг бўйи чўзилиб, алоҳида хоналарга эҳтиёж туғилди. Кекса қайнотам ва қайнонамнинг бизга уй-жой қилиб беришга имкони ҳам, шароити ҳам йўқ эди. Аммо инсон ҳамиша эртанги кунга ишониб яшаши керак экан. Президентимиз ташаббуси билан барпо этилган янги уй-жойлар аввало, биз каби аҳолининг эҳтиёжманд қатлами учун мўлжалланган боис шу йилнинг бошида яхши ниятлар билан туман ҳокимлигига ҳужжатларимни топширган эдим. Қарангки, ҳеч қанча вақт ўтмай ўша уйлардан бирининг икки хонали квартираси соҳибаси бўлдим.

Давоми иккинчи саҳифада.

ШУ ЮРТДА КАМОЛ ТОПДИК

Дил изҳори

Айни кунларда корейс миллатига мансуб кишиларнинг Ўзбекистонда истиқомат қилаётганига саксон йил тўлди. Президент Шавкат Мирзиёевнинг шу муносабат билан ўтказилган тантанали маросим иштирокчиларига йўллаган табригида айтилган дил сўзлари барча миллатдошларим каби мени ҳам беҳад мамнун этди. Давлатимиз раҳбарининг: **"Меҳнатсеварлиги, қатъий иродаси, аҳиллиги, интизоми, ерга меҳри билан, дунёқарашимиз ва маданиятларимиз ўхшашлиги туфайли корейслар Ўзбекистон тимсолида иккинчи Ватанини топди ва унинг муносиб фарзанди, кўп миллатли Ўзбекистоннинг тенг ҳуқуқли фуқаросига айланди, ҳурмат-эътибор қозонди. Халқимиз шундай юртдошлари билан фахрланади"**, деган сўзлари айнан бизнинг оиламиз тақдирига ҳам бевосита тааллуқлидир.

Ўтган асрнинг ўттизинчи йилларидаги шафқатсиз сиёсий туфан тазйиқи остида Узоқ Шарқдан Ўзбекистонга кўчирилган биз каби корейс миллатига мансуб кишиларнинг шу заминда томир ёйиб яшаб қолишида беминнат ёрдамини аямаган, бошпана берган ўзбек халқининг олижаноблиги ва бағрикенглигини мен ёшлигимдан ўз ҳаётим мисолида кўриб, бутун умр ёдда сақлаб, ўз шеърларимда ифода этиб келмоқдаман. Уруш йиллари мен ҳам ўзбек болаларига қўшилиб, дарсдан сўнг далага чиқиб катталарга ёрдам берганман. Еттинчи синфдан бошлаб эса, авиасозлик заводида йўнувчи устага ёрдамчи бўлиб ишга кирдим ва ишчи ёшлар мактабида таҳсил олдим. Сўнг кўп йиллар журналистика ва адабий фаолият билан шуғулландим. Болалар учун кўплаб шеърий асарлар, эртаклар ёздим, китоблар чоп эттирдим. Уларнинг аксарияти мактаб дарсликларига ҳам киритилган.

Давоми иккинчи саҳифада.

КЎЧАЛАР ҲАҚИДА ШЕЪР

Ифтихор

Юракми? Албатта, сергак боқади,
Дунёнинг рангидан ранг олар иши:
Ишонинг-ишонманг, унга ёқади,
Бузилган йўлларнинг текисланиши.

Тик боқар дунёнинг ҳаракатига,
Ҳар бир шарпасидан огоҳдир, огоҳ:
Қуйлайди қувончнинг тариқатида,
Бекилган кўчалар очилса ногоҳ.

Сарбастми, оқ шеърми бўлади бунёд,
Ёхуд қофияли бирор манзума —
Ўша кўчаларда кезаркан озод,
"Адолат тирикдир" деган мавзуда.

Ахир, қандай яхши яшаш бетаъқиқ —
Тарқаб хавотирнинг ваҳм саволи!..
Менга етарлидир — эттани насиб,
Ватанни қўрқмасдан севмоқ аъмоли.

Бу шеърни ёзганим сабабин айтай:
Неча қурувчилар азм эттач — кеча
(Шоир уйигами бўлсин деб қулай)
Бағрини кенг очди бекилган кўча.

Мен, мана, кўксимни тўлдириб ҳузур,
Негадир ўзимча этиб тантана,
Теп-текис кўчадан боряпман мағрур —
Ана, "Мустақиллик" майдони, ана!..

Усмон АЗИМ,
Ўзбекистон халқ шоири

МЕНИНГ КОНСТИТУЦИЯМ

Сен бўлмасанг, сўзнинг — тилнинг қадри йўқ,
Сен бўлмасанг, чўлнинг, гулнинг қадри йўқ,
Сен бўлмасанг, пойтахт, элнинг қадри йўқ,
Миллат ўзлигининг кафолати — сен.

Музласам, қуёшдек гулханим ўзинг,
Посбоним ўзингсан, қалқоним ўзинг,
Мангу тўғри йўлим — сарбоним ўзинг,
Ушалган орзулар ваколати — сен.

Эркин қуш қаноти қайрилар сенсиз,
Тулпорлар туёқдан майрилар сенсиз,
Эл-юрт ҳуқуқидан айрилар сенсиз,
Она Ватанимнинг камолоти — сен.

Озодлик гаштининг виқори сенда,
Истиқлол меъморин минори сенда,
Соҳибқирон бобом шиори сенда,
Юртим куч-қудрати, адолати — сен.

Бугуним, эртамнинг бахтин тиклаган,
Дунёда тинчликнинг тахтин тиклаган,
Буюк келажакнинг вақтин тиклаган,
Шону шавкатимнинг далолати — сен.

Бахтиёр ГЕНЖАМУРОД,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
маданият ходими

Ёш авлод қалбида халқимизнинг юксак маънавий фазилатларини, қадриятларини камол топтириш, ўзбек миллий рақс санъатини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, республика рақс жамоаларига амалий ёрдам кўрсатиш, уларнинг репертуар фаолиятини шакллантириш ва бойитиш, истеъдодли раққос-раққосаларни, балетмейстерларни кашф этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, «Ўзбекконцерт» давлат муассасаси, Тошкент давлат Миллий рақс ва хореография олий мактаби ҳамкорликда 2017 йил 20-21 декабрь кунлари Тошкент шаҳрида

«БУХОРО ЖИЛОЛАРИ»

Миллий рақс ижрочиларининг I Республика кўрик-танловини ўтказади.

6

Ўзбекистон – Жанубий Корея: СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК МУНОСАБАТЛАРИДА ЯНГИ БОСҚИЧ

Бошланиши биринчи саҳифада.

Мун Чжэ Ин Шавкат Мирзиёевни Корея Республикасига давлат ташрифи билан қутлаб, олий даражадаги анъанавий мулоқотларни давом эттириш ва янада ривожлантиришга тайёр эканини таъкидлади.

Ўзбекистон бизнинг энг яқин ҳамкорларимиздан бири бўлиб, турли соҳалардаги алоқаларимиз изчил ривожланиб бораётганидан мамнунмиз. Жанубий Корея бугунги кунда бутун Евросиёда тинчлик ва фаровонликни мустаҳкамлаш йўлидан бормоқда. Марказий Осиёда асосий ўринга эга Ўзбекистон ушбу режанинг марказидадир, деди Корея Республикаси Президенти.

Мамлакатларимиз ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганидан бери 14 марта давлат раҳбарлари даражасидаги учрашувлар бўлиб ўтди. Сўнгги йилларда ушбу мулоқотлар янада фаоллашиб, икки мамлакат ўртасидаги дўстлик алоқалари иқтисодиётнинг энг муҳим тармоқларида ва гуманитар соҳада ўз аксини топмоқда.

Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикаси сиёсий муносабатлари халқаро майдонда бир-бирини қўллаб-қувватлаш руҳида давом этмоқда. Томонларнинг глобал ҳамда минтақавий аҳамиятга эга масалалар бўйича ёндашувлари ўхшаш ёки яқиндир.

Президентлар мулоқотни икки мамлакат расмий делегациялари иштирокида давом эттирдилар. Томонлар савдо-иқтисодий, сармоявий, маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорликни кенгайтиришга оид масалаларни муҳокама қилдилар.

Бугунги кунда ҳукуматлар, вазирлик, идора, молия, банк институтлари ва бизнес тузилмалари ўртасида мустаҳкам муносабатлар тобора кенгайиб бормоқда. Парламентлараро алоқалар ривожланиб, Ташқи ишлар вазирликлари маслаҳатлашувлари доимий равишда ўтказилмоқда.

Корея Республикаси Осиё – Тинч океани минтақасида Ўзбекистоннинг етакчи савдо-иқтисодий ва инвестициявий шерикларидан биридир. 2016 йил якунлари бўйича ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 1 миллиард АҚШ долларидан ошди. Жанубий Кореянинг Марказий Осиё мамлакатлари билан савдо айланмасида Ўзбекистон улуши қарийб 50 фоизни ташкил қилади.

Олий даражадаги учрашувда айни пайтдаги ҳамкорликни янада ривожлантириш учун мавжуд имконият ва салоҳият тўлиқ ишга солинмаётгани қайд этилди. Яқин йилларда ушбу кўрсаткичларни янада ошириш бўйича янги қадамлар ташланиши таъкидланди.

Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикасида олиб борилаётган изчил ислоҳотлар замирида халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халққа хизмат қилиши керак, деган эзгу ғоя мужассам эканини таъкидлар экан, Корея Республикасида ҳам давлатнинг ҳақиқий эгаси халқдир, деган ғоя уйғунлигига эътибор қаратди.

Корея Республикаси Президенти ҳам Ўзбекистонда халқчил ва оқилона сиёсат олиб борилаётгани, бу мамлакатнинг изчил тараққиётида муҳим омил бўлишини қайд этди.

Ўзбекистон Республикаси билан Корея Республикаси ҳамкорлиги кенг кўлам касб этган. Расмий Сеулнинг Ўзбекистон иқтисодиётига жалб этган инвестициялари ҳажми 7 миллиард доллардан ошди. Юртимизда ушбу мамлакат капитали иштирокида 461 корхона фаолият юритмоқда. Уларнинг 386 таси қўшма корхона бўлса, 75 таси тўлалигича корейс сармояси эвазига ташкил қилинган. Мазкур корхоналар нефть-газ, нефть-кимё ва кимё, машинасозлик, электротехника ҳамда тўқимачилик соҳаларида, ахборот-коммуникация технологиялари, транспорт ва логистика, туризм йўналишларида муваффақиятли иш олиб бормоқда.

Энергетика соҳасидаги алоқалар ҳам жадал ривожланмоқда. 2016 йил Жанубий Корея билан ҳамкорликда Устюрт газ-кимё мажмуаси барпо этилди. Мамлакатларимизнинг савдо-иқтисодий ҳамда сармоявий ҳамкорлигининг ёрқин намунаси бўлган ушбу йирик лойиҳага 4 миллиард доллар миқдоридаги маблағ йўналтирилган.

Маълумки, Корея Республикаси халқаро миқёсда ривожланган ва жозибадор эркин иқтисодий зоналарга эга мамлакатлардан бири ҳисобланади. Ушбу мамлакат Ўзбекистонда эркин иқтисодий зоналар ташкил этиш ва уларни ривожлантиришга кўмаклашаётир. "Навоий" эркин иқтисодий зонасида Жанубий Корея, Хитой, Италия, Сингапур, Ҳиндистон, БАА ва бошқа мамлакатлар иштирокида 20 та корхона фаолият юритмоқда. Бундан ташқари, 2008 йилдан бери "Korean Air" компанияси "Навоий" халқаро аэропорти орқали юк ташишларни амалга оширмоқда, аэропортда илғор технологиялар ҳамда самарали тизимли назоратни жорий этиб келмоқда.

Жорий йилнинг май ойида "Навоий" эркин иқтисодий зонасида "CNP Dream" компанияси билан ҳамкорликда косметика маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган завод қурилди. Ушбу маҳсулотлар Марказий Осиё мамлакатларига экспорт қилинаётир.

Замонавий технологияларни кенг қўллаш асосида шаҳарларни бошқариш, транспорт тизими ҳамда уй-жой коммунал хўжалигини ривожлантириш бўйича самарали тизим ташкил этиш соҳасида Жанубий Кореянинг илғор тажрибасидан кенг фойдаланилмоқда.

Жорий йилнинг 24 октябрь куни Жанубий Кореянинг ер ресурслари, инфратузилмалар ҳамда транспорт вазири Ким Хён Ми бошчилигидаги "Korea Eximbank", "Korea Expressway", "Hyundai Engineering Co. Ltd", "POSCO Engineering and Construction", "HSnK Architects Group" сингари йирик компаниялар вакилларидан иборат делегация "Tashkent City" халқаро бизнес маркази лойиҳаси билан танишиш мақсадида мамлакатимизда бўлди. Замонавий технологиялар ва "ақлли шаҳарлар" қурилишига устувор аҳамият бериш мақсадида юртимизда бўлган инвесторлар бизнес учун яратилган шарт-шароитлар, айниқса, валюта сиёсати либераллаштирилганига алоҳида эътибор қаратди.

Корея Республикаси халқаро ҳамкорлик агентлиги ҳамда Корея экспорт-импорт банки мамлакатимизда қатор лойиҳаларни амалга оширмоқда. "Samsung", "LG" сингари йирик корпорациялар юртимизда қўшма корхоналар ташкил қилмоқда. Хусусан, "Samsung" "Artel" компанияси билан маиший техника воситалари ишлаб чиқаришни йўлга қўйган.

Маданий-гуманитар алоқалар мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамламоқда. Юртимизда Корея Республикаси маданияти кунлари бўлиб ўтди. Корейс маданияти ва санъати уйи қурилмоқда. Ушбу лойиҳа мамлакатимиздаги корейс диаспорасига қаратилаётган юксак эътиборнинг яққол ифодасидир.

Таълим соҳасидаги алоқалар ҳам тобора ривожланиб бормоқда. Мамлакатимиздаги олий таълим муассасалари Жанубий Кореянинг 30 дан ортиқ илмий-тадқиқот муассасаси билан ҳамкорликни йўлга қўйган. Қатор таълим муассасаларида корейс тили ҳамда маданияти марказлари очилган. 2014 йил Тошкент шаҳрида Инҳа университети очилгани бу борадаги алоқаларни янги поғонага кўтарди. Ушбу олий таълим муассасаси халқаро стандартлар даражасида юқори малакали IT-мутахассислар тайёрлашга муносиб ҳисса қўшаётган илк хорижий таълим даргоҳидир. Бугунги кунда университетда мингдан зиёд талаба ахборот технологиялари, инжиниринг ва логистика йўналишларида таҳсил олмоқда.

Музокарада томонлар олий даражадаги мулоқотларни изчил давом эттириш, иқтисодиёт, энергетика, молия, сармоя, юқори технологиялар каби соҳалардаги ҳамкорликни янада фаоллаштириш, ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини ошириш, гуманитар алоқаларни кенгайтиришга тайёр эканини билдирди.

Музокаралар якунида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Корея Республикаси Президенти Мун Чжэ Ин Стратегик шериклик муносабатларини ҳар томонлама чуқурлаштириш тўғрисида Қўшма баёнотни имзоладилар.

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ва Корея Республикаси Инсон ресурсларини бошқариш вазирлиги ўртасида Ҳамкорлик меморандуми, икки мамлакат Адлия вазирликлари ўртасида Ҳамкорлик меморандуми, Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлиги ҳамда Корея Республикаси Савдо, саноат ва энергетика вазирликлари ўртасида Ўзбекистонда Миллий электрон савдо платформасини жорий қилиш бўйича ҳамкорлик битими, Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига қўшилиши бўйича ҳамкорлик тўғрисидаги ҳукуматлараро меморандум, икки давлат Ташқи ишлар вазирликлари ўртасида 2018-2020 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги билан Корея Стратегия ва молия вазирлиги ўртасида Билимлар алмашинув дастури бўйича Англашув меморандуми, 2018-2020 йилларда Иқтисодий тараққиёт ва ҳамкорлик жамғармаси кредитлари бўйича ҳукуматлараро ҳадли келишув ҳамда Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт фонди билан Корея Республикаси экспорт-импорт банки ўртасида молиявий ҳамкорлик тўғрисида келишув каби олтмишдан ортиқ ҳужжат имзоланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Корея Республикасига давлат ташрифи давом этмоқда.

ЎзА

ШУ ЮРТДА КАМОЛ ТОПДИК

Бошланиши биринчи саҳифада.

Ижодий меҳнатим муносиб тақдирланиб, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими унвонига эга бўлдим. Рафиқам билан ҳамкорликда Ўзбекистон ва бошқа республикалардаги кам сонли халқларнинг маданият марказлари учун махсус дастур ва низомлар ишлаб чиққанимиз ва улардан кенг кўламда фойдаланилаётганидан фахрланаман. Рафиқам Александра Александровна Ким педагогика фанлари доктори, профессор. У кўп йиллар Қори Ниёзий номидаги педагогика фанлари илмий-тадқиқот институтида фаолият олиб бориб, "Мактаб таълими ва тарбия" ҳамда ёшлар тарбияси ва уларда меҳнат кўникмаларини шакллантириш жараёнларига доир китоблар чоп эттирган, ёш мутахассисларга устозлик қилган. Иккаламиз биргаликда корейсларнинг Ўзбекистондаги ҳаёти қисқача тарихини ёздик. Менинг ўтган йили хорижда чоп этилган "Ўттиз еттинчи йил" номли китобим ҳам шу мавзуга бағишланган. Александра Александровна илмий раҳбарлигида Ўзбекистон жаҳон тиллари ва дипломатия университети талабалари учун "Ўзбек ва япон тилларининг қиёсий тавсифи" ўқув-қўлланмаси яратилди. Шу қўлланмада таъкидланишича, ўзбек, япон ва корейс тилларида бир-бирига оҳангдош ва маънодош сўзлар кўп экан. Масалан, хизмат кўрсатишга доир 75 та японча сўзнинг 28 таси фонетик жиҳатдан ҳам, маъно англатиши бўйича ҳам ўзбек тилидаги шундай сўзлар билан айнан бир хил. Масалан, "шоли" сўзи ўзбекчада ҳам, япончада ҳам, "сув" сўзи эса ўзбекчада ҳам, корейсчада ҳам айнан бир маънода келади. Ўйлайманки, бугунги ёшларимиз бу борадаги тадқиқотларни давом эттириб, дўст-биродарлигимизнинг теран илдизларини кашф этадилар.

Тошкентда Корея Республикаси ҳукумати кўмагида Корейс маданият ва санъат уйи бунёд этилаётгани ҳам бизни беҳад қувонтиради. Мен ҳозир табаррук 86 ёшдаман. Юқорида ўз оилам мисолида саксон йил муқаддам тақдир тақозоси билан **Ўзбекистон заминига келиб қолган миллатдошларимнинг бахтли ва фаровон ҳаёти ҳақида айтган эдим. Сўзимнинг ниҳоясида шуни қўшимча қилмоқчиманки, бу оиланинг фарзандлари ва набиралари ўзбек халқининг олижаноблиги ва бағрикенглигини ўз ҳаётлари мисолида кўриб улғайишди.** Улар эндиликда фақат Тошкентдагина эмас, дунёнинг турли мамлакатларида илм эгаллаб, санъат соҳасида доврўқ таратишмоқда. Ўзбекистон давлат консерваторияси композиторлик бўлимида таҳсил олган катта қизим Эола яратган мусиқий асарлар халқаро кўламда эътироф этилиб, у "Сеулнинг фахрий фуқароси" бўлган. Ўртанчамиз Эллина скрипкачи, Чайковский номидаги Москва консерваториясини битириб, Голландияда ўтган халқаро танловда биринчи мукофот билан тақдирланди. У машҳур пианиночи Борис Березовскийнинг рафиқаси. Улар тез-тез жаҳон саҳналарида биргаликда концертлар беришади. Кичик қизим Иоланта Тошкент санъат ва маданият институтини кутубхоначилик мутахассислиги бўйича битирган. Невараларим ҳам дизайн, конструкторлик, мусиқа ва фигурали учиш соҳалари бўйича ўз даврининг пешқадам истеъдодлари сафидан ўрин олганидан ифтихор қиламан.

Буларни таъкидлаб айтаётганим боиси, биз корейс миллатига мансуб кишилар ўзимизнинг иккинчи Ватанимиз бўлган Ўзбекистонда кечган саксон йиллик ҳаётимиз мобайнида камол топиб, шу заминда чуқур илдиз отдик. Ҳар жиҳатдан ўсиб-улғайиб, шу юртнинг тенг ҳуқуқли фуқаролари сифатида меҳнат ва ижодда ўз бахтимизни топиб яшаяпмиз. Бунинг учун, албатта, шукроналаримиз бисёрдир.

Борис ПАК,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

Суратда: Александра ва Борис Пак.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон ва Корея давлатлари ўртасида ҳамкорлик муносабатлари ҳар жиҳатдан мустаҳкамланиб бораётгани ва бу ҳамкорликда ўзимнинг ҳам камтарин ҳиссам борлигидан мамнунман. Шу сабабли Президент Шавкат Мирзиёевнинг айни кунларда Корея Республикасига қилган ташрифини катта қизиқиш билан кузатиб бормоқдаман. Давлатимиз раҳбари икки давлатнинг етакчи иқтисодий ва молиявий тузилмалари иштирокидаги Ўзбекистон – Корея бизнес форумида иштирок этди.

Турли соҳалардаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва кенгайтиришга доир кўплаб ҳукуматлараро келишув ва шартномалар имзоланган ҳар икки давлатнинг ижтимоий-иқтисодий равнақ топишида муҳим аҳамият касб этади, деб ўйлайман. Хусусан, Жанубий Кореянинг "Youngone Corporation" компанияси Тошкент вилоятининг Бўка туманида мато бўяш ва тикувчилик соҳасида йирик ишлаб чиқариш тармоғини вужудга келтиришни кўзда тутмоқда. Тўқимачилик маҳсулотлари жаҳонда машҳур бўлган бу компания Самарқандда ҳам дизайнерлик ва ўқув маркази бўлган шундай тикувчилик корхонасини очади. "Youngone Corporation"нинг ишлаб чиқариш қувватлари Бангладеш, Вьетнам, Хитой ва Сан-Сальвадорда ҳам жойлашган. Яна шуни айтиш керакки, Жанубий Корея 70 миллион доллардан ортиқ Ўзбекистон тўқимачилик маҳсулотларини харид қилади. Бундан янги саноат корхоналари, тиббиёт, халқ таълими, маданият, ёшлар баркамоллигига эътибор — барча-барчаси жаҳон ҳамжамияти олдида мамлакатимиз нуфузи ортиб бораётгани билан катта аҳамиятга эга.

Президентимизнинг "Ўзбекистон Конституциясига 25 йил" эсдалик нишонини таъсис этиш тўғрисида"ги фармонида Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, илмий, маънавий салоҳиятини ва мудофаа қудратини юксалтириш, демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш, давлатимиз сарҳадларининг дахлсизлигини таъминлаш, жамиятимизда ҳукм сураётган тинчлик ва барқарорлик, миллатлараро дўстлик ва тотувликни асраш, Асосий Қонунимизнинг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамиятини кенг тарғиб этиш, ёш авлодни қонунга ҳурмат, Ватанга меҳр ва садоқат руҳида тарбиялаш ишларига муносиб ҳисса қўшган юртдошларимизни тақдирлаш назарда тутилган.

Бахтимиз, фаровонлигимиз, тинчлик ва осойишталигимиз, ғурур ва ифтихоримиз асоси бўлган Конституциямиз билан ҳақли равишда фахрланамиз. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинганининг чорак асрлик байрами — юртимизда адолат, демократия ва халқпарварликнинг асл тантанасидир.

Гулистон АННАҚИЛИЧЕВА,
Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутати,
Олий Мажлис Сенати аъзоси

БАХТ ОШЁНИ СОҲИБАСИМАН

Бошланиши биринчи саҳифада.

Ўн уч гектар майдонни эгаллаган янги мавзедаги кўп қаватли уйларнинг соҳиблари — ҳамюртларимизнинг қувончи чексиз. Буни мен яқинда Юртбошимизнинг ушбу мавзега ташрифига гувоҳ бўлган одамларнинг юзкўзидан билдим. Ахир, севинмай бўладими? Барча шарт-шароитларга эга ёруғ ва шинам уй-жойларнинг ёнгинасида 240 ўринли мактабгача таълим муассасаси, 630 ўринли ўрта мактаб, оилавий поликлиника, сузиш ҳавзаси, шаҳар милиция бўлинмаси, почта, болалар майдончалари, автомобил турар-жойлари, велотрасса барпо этилибди. Хизмат кўрсатиш муассасалари ёнида китоб дўконининг жойлашгани ҳам барчани қувонтирди.

Юртбошимиз келгусида бу уйларга яқин жойда қуриладиган янги корхона ва ишлаб чиқариш тармоқлари ҳақида гапирдилар. Демак, келажакда фарзандларимиз учун ҳам янги иш ўринлари яратилади, биз яшаётган ушбу ҳудуд шаҳримизнинг энг обод ва кўркам масканларидан бирига айланади.

Янгидан қурилган бу уйларга кўчиб кираётган кишилар ўзларини гўзал ва мўъжаз шаҳарчага келиб қолгандек ҳис этишмоқда. Кўркам бинолар, чиройли кўчалар, боғ-роғлар шаҳарчамиз файзига файз қўшиб турибди. Президентимизнинг шаҳримиз аҳолисининг оғир муаммоларини ҳал этиш мақсадида оталарча ғамхўрлиги билан амалга оширилган беқиёс бунёдкорлик ишларини "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари" йилининг энг улкан туҳфаси, деб биламан. Мамлакатимиз обод, турмушимиз фаровон экан, мен каби ҳамюртларим, эл-дошларим доимо шоду хуррам, бахтли ҳаёт кечиришади. Демак, ҳар биримиз шу юртнинг фуқароси, фарзанди сифатида, қайси касб эгаси бўлмайлик, ана шу бунёдкорликка, бахтли келажак қуришга ўз ҳиссамизни қўшайлик. Токи, келгуси авлодга ана шундай хайрли ишларимиз эзгулик тимсоли бўлиб қолсин.

Мадина ЭРГАШЕВА,
"Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетаси ходими

8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун

ХАЛҚПАРВАРЛИК ТАНТАНАСИ

Мамлакатимизда ҳақ-ҳуқуқларимизни кафолатлаб келаётган Конституциямизнинг 25 йиллигини нишонлашга катта тайёргарлик кўрилмоқда. Алоҳида эътироф этиш лозимки, Бош Қомусимиз жаҳон ҳамжамиятида демократик қонунчиликнинг намунаси сифатида тан олинган, яъни тузилиши ва мазмуни жиҳатидан Ўзбекистонда аввал амал қилган Конституциядан кескин фарқ қилиб, унда мустақиллик ғоялари, халқчил, демократик тамойиллар ўз аксини топган.

Шунинг учун ҳам Конституциямиз мамлакатимиз равнақининг сифат жиҳатидан янги босқичларини бошлаб берди. Унда миллийлик, умуминсонийлик принциплари, дини, ирқи, жинси, ижтимоий келиб чиқишидан қатъий назар фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилиги мустаҳкамлаб қўйилган.

Бугунги кунда юртимизда рўй бераётган барча янгиланиш ва бунёдкорликлар, янги сифат босқичларига кўтарилаётган тараққиёт йўлимиз, айниқса, **"Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари"** йилида **"Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"**ги Президентимиз фармони эълон қилиниши ва шу асосда ижтимоий-иқтисодий соҳаларда олиб борилаётган ислоҳотлар ва уларнинг натижалари Конституциямизда белгилаб берилган ҳуқуқий кафолатлар самарасидир.

Конституциямизнинг XVII боби "Қорақалпоғистон Республикаси" деб аталади. Бу бобда Қорақалпоғистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, тинчлик-осойишталиги, фаровонлигини белгилаб берувчи ҳуқуқий асослар мужассам. Биз мустақиллик йилларида Қорақалпоғистоннинг нақадар равнақ топганлиги, бугунги кунда бу ерда барча соҳаларда эришилаётган ютуқлар самараси Конституцияда белгилаб берилган ҳуқуқ ва эркинликлар ифодаси, деб ишонч билан айта оламиз.

Қорақалпоғистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш Дастури асосида бу ерда қиймати 194,6 млрд. сўм ва 7,5 млн. долларлик инвестициялар ўзлаштирилиб, 2017 та лойиҳа амалга оширилган. Саноат, аграр, қурилиш соҳаларида беқиёс катта ютуқлар қўлга киритилмоқда.

Конституциямиз асосида давлат қурилиши, суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш, иқтисодиётни эркинлаштириш, ижтимоий соҳани ривожлантириш, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш борасида Юртбошимизнинг қатор фармон ва қарорлари эълон қилинмоқдаки, бу борада олиб борилаётган ишлар янги сифат босқичларига кўтарилмоқда.

Бунга юртимиздаги бағрикенглик, барча миллат ва элатларнинг тинч-осойишта, дўстлик ва биродарликдаги ҳаётлари ёрқин мисол. Биргина Қорақалпоғистон Республикасида рус, қозоқ, туркман, корейс, украин миллий маданият марказлари иш олиб бораётгани фикримизнинг далилидир.

Миллатлараро тотувлик, бағрикенглиқни таъминлаш, ҳар бир миллатнинг ўз она тили, миллий урф-одатлари ва қадриятларининг тикланиши, албатта, Асосий Қонунимиздаги ҳуқуқий кафолатлар туфайли мустаҳкамланиб бормоқда.

Шунингдек, инсонпарварлик тамойилларига асосланган Конституциямизнинг бу йилги 25 йиллик байрами "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари" йилида нишонланаётгани азиз ва мукаррам қилиб яратилган инсон қадрини, унинг манфаатларини ҳимоя қилиш йўлида амалга оширилаётган ишларда яққол намоён бўлмоқда. Янги қурилган уйлар, кўркам кўча ва хиёбонлар, обод қишлоқлар, ҳосилдор боғлар,

ИЖОДИЙ МУЛОҚОТ

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси билан Халқ банки ўртасида дўстлик клуби ташкил этилиб, ўзаро ижодий ҳамкорлик муносабатларини самарали йўлга қўйиш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.Таниқли ёзувчи ва шоирлар, журналистлар, санъаткорлар ва Халқ банки ходимлари иштирокида Бўстонлиқ туманидаги сўлим оромгоҳда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 25 йиллигига бағишланган ижодий анжуман бўлиб ўтди.

Тадбирни Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Халқ ёзувчиси Муҳаммад Али очиб, бугун Юртбошимиз раҳнамолигида маданиятнинг барча соҳаларини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган маънавий-маърифий ислоҳотларнинг моҳияти ҳақида сўзлади. Айниқса, ижод аҳлини қўллаб-қувватлаш, ижодий уюшмаларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича ҳукуматимиз томонидан белгиланган комплекс чора-тадбирлар асосида мисли кўрилмаган натижалар кутилаётганини таъкидлади.

Халқ банки бошқаруви раиси ўринбосари Низомиддин Аббосов адабиётимизни ривожлантиришга ҳомийлик қилиш сармоядор банк ходимлари учун ҳамиша фахрли эканини эътироф этди. Самимий дил изҳорларига шоирларнинг Ватан ва мустақилликни тараннум этувчи шеърлари, хонандаларнинг қўшиқлари уланиб, ажойиб назм ва наво кечаси бўлди.

Ахборот хизмати

ЯХШИЛИК ҚИЛ, ЯХШИЛИК...

Шоир Раззоқ Абдурашид (асли Абдураззоқ Абдурашидов) кўп китоблар нашр эттирган бўлсалар-да, бир катта даъво билан чиққанини, обрў талашганини Тошкент муҳитида ҳеч ким эшиттан эмас. Устоз шоир камтарлик билан ижод қилиб, камтарлик билан яшаб, камтарлик билан 80 ёшга етиб келдилар.

У киши ижодни бошлаганда (XX асрнинг 60-йиллари) шуурсиз, руҳсиз шеъриятнинг имораттари бузилиб, асл ҳаётий шеърият садолари янграган давр эди.

Шоир ота-онадан ўн бир фарзанд бўлиб, ҳозирда беш нафар қолишгани, оталари серзавқ киши бўлиб, шеъру ғазални хуш кўргани, оналари мактаб кўрган аёл бўлиб, Машраб, Сўфи Аллоҳёр, Фузулий ғазаллари, "Иброҳим Адҳам", "Ёрилтош", "Тоҳир ва Зуҳра" достон ва эртакларини ёд ўқигани, акалари шеърга ўч бўлишганини эслайди. Демоқчиманки, бўлажак шоир то ўрта мактаб, қисқа вақт — бир ёзги таътилда Ғайратий тўтараги, Ўрта Осиё давлат университети (ҳозирги Миллий университет), кенг адабий муҳит таълимига етиб келгунича оила дорилфунунида унинг қалбига тоза шеърият уруғлари экиб бўлинган экан...

Камина Ғафур Ғулом номидаги нашриётда бир неча йил устоз билан бирга хизмат қилдим. Шеърият бўлими ўзи бир муҳит; Раззоқ Абдурашид, Миразиз Аъзам, Маъруф Жалил, Азим Суюн, камина, ёш онамиз — Назмихон опа... Алғов-далғов муҳитда мен Абдураззоқ акани жуда ҳаёли, юмшоқ феъли, хушхулқ, камтарин, ҳазил-мутойибага мойил бир шахс ўлароқ танидим. Ўша даврда (80-йиллар ўртаси) истеъдодли шоирлар китобларини чоп этиш, беиқтидор қаламкашлар хуружини тўхтатиш қурашлари бошланди. Абдураззоқ ака бўлим мудири сифатида кучли тўлқинларга дуч келди, ҳақли ёки ноҳақ "жанг"ларга бардош берди. Лекин тили ва феъли билан бирор кишини ранжитгани йўқ. У кишининг дардини ичига ютадиган вазмин табиатли шахс эканини яхши билган адиб Туроб Тўла ўшанда "Йўл ўртаси" китобига сўзбоши ёзиб, шоир кўнглига тасалли берди, сабр-бардошини қадрлаган бўлди.

Ватан ҳақида, юртни қалбга жойлаш хусусида шеърлар кўп. Лекин шоирнинг бу бобдаги шижоати ўзига хос. У Ватанни қалб қароргоҳида сақлаш ғоясини жуда гўзал ифода қилади:

Заррага жо бўлар эмиш ҳатто Қуёш —
Ватан бўлсин Ватанимга қалбим маним.

...Ҳаёт йўлимиздаги ҳар бир яхши инсон бизга устоздир. Амаллар ниятларга кўра тақдирланади... Устозга доимий сиҳат-саломатлик, узоқ, хайрли-баракотли умр тилаб қоламан.

Мирзо КЕНЖАБЕК,
Ўзбекистонда хизмат кўрсаттан ёшлар мураббийси

Раззоқ АБДУРАШИД



ҲУР ДИЁР

Ўзбекистон ҳур диёр, хуррам диёр,
Бағридан кетмас баҳор-кўклам диёр.
Доимо ижод билан, меҳнат билан,
Илму фан, заҳмат билан кўркам диёр.

Сен онамсан, қай сифотинг мақтасам,
Нур хонамсан, эзгу отинг мақтасам.
Сўз деган ожиз эрур, рангсиз эрур,
Ҳар матонат, кашфиётинг мақтасам.

Яшнасанг сен ифтихорим ортадир,
Ифтихорим, ҳар на борим ортадир,
Сен сабаб дунё кезарман қуш бўлиб
Кенг жаҳонда дўсти ёрим ортадир.

Йўлларинг бўлсин чароғон-нур, диёр,
Бахтиёр эллар сафида бўл, диёр,
Давлатим, бахт юлдузим ёлғиз ўзинг,
Онажоним Ўзбекистон, ҳур диёр.

СОЙ

Сой оқади сокин, сим-сим,
Сой оқади мисли тилсим.
Сойнинг сири, асрорини
Сой кечмаган қайдан билсин?!

Қайдан билсин бегоналар
Юрагимнинг ёнишларин.
Гоҳи яйраб, гоҳи тўлиб,
Гоҳи ўксиб қолишларин?!

Қайдан билсин бегоналар,
Бағримда бор қандоқ бисот?
Унга маҳрам англар фақат:
Кўнгил дўстдир, кўнгилдир ёт.

Сой оқади сокин, сим-сим,
Сой оқади мисли тилсим.
Сойнинг сеҳру синоатин
Сой кечмаган қайдан билсин?!

МУҲАББАТДАН

Бошимдаги ҳамма савдо муҳаббатдан,
Дилимдаги қуёш сиймо муҳаббатдан.
Ажаб сеҳру зиёси бор муҳаббатнинг,
Ҳар эзгулик, ҳар муддао муҳаббатдан.

Ёруғ дунё жамолидан сурурландим,
Ҳар орзуки, дилимга жо муҳаббатдан.
Диёр меҳри қону жонга омухтадир,
Арзир унга эсам фидо, муҳаббатдан.

Ўғил-қизим кўзу қоши, рухсорида
Магар бўлсам мен ҳувайдо, муҳаббатдан.
Кўп учрадим таъналарга муҳаббат, деб,
Лек, узмадим умид илло муҳаббатдан.

Чўчимасман азобдан ҳеч... қайтаролмас
На Қорақум, на Карбало муҳаббатдан,
Бу дунёда юпанчим ҳам, илинжим ҳам
Кўнгилдаги эзгу зиё — муҳаббатдан.

Муҳаббат, деб шу ёшгача, ажаб, етдим,
Не тонг, тузсам соҳир наво муҳаббатдан?!
Қувон, кўнглим, Ватан меҳри қанотингдир,
Арзир қилсанг баланд ҳаво муҳаббатдан.

МУДДАОСИ БЎЛМАСА

Ўтар умр самарсиз муддаоси бўлмаса,
Юрак-юракми агар мубталоси бўлмаса?!
Кўзим кимгадир илҳақ, домига тушдим чоғи,
Безовта бўларми дил, бир балоси бўлмаса.

Келармидим бу ерга, бу боғга кирармидим,
Чаманзорда гулюзли ёр қароси бўлмаса.
Муҳаббат бунча сирли, сержозиба бўларми,
Бошингда турфа савдо, можароси бўлмаса.

Ўкинма, дил, санамнинг ноз ва истиғносидан,
Борармидик гоҳ излаб истиғноси бўлмаса.
Шу ёр қалбимнинг ёлғиз, бир умрли эгаси,
Севармидим аҳдига, айт, вафоси бўлмаса.

Кўтариб бошга уни ифтихор этармидим,
Тийнати пок, дилида гар худоси бўлмаса.
Шу ёрга йўлдош бўлиб, меҳри ила яшайман,
Бу умрнинг, қанийди, ҳеч адоси бўлмаса.

* * *

Қайси дилга Ҳақнинг ёди ёр экан,
Унда, билки, одамийлик бор экан!

Ким дилига этмаса дўст Ҳақ ёдин,
Барча иши бесамар, бекор экан.

Бу қарорга келмагингда, эй кўнгил,
Ҳақ ўзи берган ақл ҳамкор экан!

Бу ҳаёт кўркамлиги ҳам ёр ила,
Бўлмаса ул кенг жаҳон ҳам тор экан!

Шукр қил ҳам ўзингдан кетма ҳеч,
Ким ўзидан кетди, бил, дажжол экан.

Яхшилик қил ҳамда қолдир яхши от,
Яхшиликка икки жаҳон иқрор экан.

Қилма таъма, Ҳақ ўзи эъзозласин,
Ҳақ назари тушмаган кас хор экан.

Охиратда юз ёруғ бўлсин деган
Дилда Ҳақ-ла юрт учун бедор экан.

* * *

Куйма, эй дил, боқмаса гар сарвиноз,
Балки қилар у карашма, балки ноз.
Ё сабрингни синамоқчи, эҳтимол,
Эҳтимол, кўнглида ўзга дилнавоз.

Қалбини овлай дединг, овлатмади,
Қилса ҳам гарчи сени ҳурмат, эъзоз.
Кетди нафсиз қанчалар изҳори дил,
Кетди нафсиз эътибору эҳтирос.

Сен фидо этмоқ бўларсан унга жон,
У эса сендан қочар оҳу мижоз.
Ерга урма, тут баланд ишқ қадрини,
Бизга ул Қодир Худодан бир ниёз.

Ноумид ҳам бўлмагил, илло юрак,
Қиш ўтиб, қулса ажабмас сенга ёз.
Аслида нозик эрур кўнгил иши —
Ким, ўқиб бўлмас уни мисли баёз.

УМРИМИЗ

Умримизнинг кечаси кўп,
Кўнглимизнинг кўчаси кўп.
Билолмадим дилхушликнинг
Нечаси кўп, нечаси кўп.

Яхшиликка тўймас одам,
Яхшиликни қўймас одам.
Шунча юриб ҳеч кўрмадим
Яхшиликни суймас одам.

Эзгу ишлар — дилга қанот,
Ёмонликда ким ёмон от.
Яхшилик қил, яхшилик, деб
Берилгандир бизга ҳаёт.

ХОТИРОТ

Кундалик дафтарга ўхшар хотира,
Тўлиб бораверар асти бир бошдан.
Кўчар экан унга умринг бир сира,
Шафақ қолган каби ботган қуёшдан.

Кун етиб ўчса-да умр чироғи
Ўтган ҳам тириклар бирла, барҳаёт.
Улар яхшилиги, феъли, сиёғи
Қалбларда қоларкан бўлиб хотирот.

АГАР СЕНДАН...

Самад Вурғундан

Агар сендан тонар бўлсам насибам оҳу зор ўлсин,
Баҳорим қишга айлансин,
чечаксиз бир диёр ўлсин.
Чаманзорим, боғим-боғчам тўкилсин,
бори хор ўлсин,
Мозорим ўт олиб ёнсин, бу ишқим ошкор ўлсин.

Кўн-эй, булбул, тин-эй, довул,
ки хоҳиш истироҳатдир,
Бу ерларда илинжим йўқ,
юпанчим бир саёҳатдир.
Ўлим! Эвоҳ, бир неъматдир,
бу бир шонли саодатдир,
Агар бевақт ўлар эрсам рақибим бахтиёр ўлсин.

Фалакдан интиқом истар жўшиб
руҳимда бўронлар,
На инсофни, на виждонни билар,
ё Раб, бу инсонлар.
Ёз, эй Вурғун, яна жўшсин
бугун оламда тўфонлар,
Йиқилсин меҳвари олам, у тубдан тор-мор ўлсин.

Турсун АЛИ

БУЮК ҲАЛҚ

Эй буюк, муқаддас, заҳматкаш халқим,
Кўзимда порлайсиз офтоб мисоли.
Яратиш туйғуси кўнглингизда лим —
Тошадир дарёдек, жўшқин, наволи.

Эй буюк, муқаддас, заҳматкаш халқим,
Тоғу тошларда йўл очгайсиз равон.
Фалак тоқига уй қургайсиз балким,
Бургутдай қучгайсиз осмоний довон.

Эй буюк, муқаддас, заҳматкаш халқим,
Қирлару ўнгирлар гуллаётган боғ.
Юрагингиз чўғи ёриттан тунни,
Тарих ҳам ой каби ёришгай нечоғ.

Эй буюк, муқаддас, заҳматкаш халқим,
Дашту далаларда шовуллар буғдой.
Ғурур тоғларига дўнади кўксим,
Кўзимни яшнаттай безавол чирой.

Эй буюк, муқаддас, заҳматкаш халқим,
Пойингизда гуллар очилгай хушбўй.
Кафтингизда тирик қуёшдек балқиб —
Ватаним дунёга чўзаётир бўй.

КЎНГИЛ ДАРСХОНАСИ

Устоз Иброҳим Ғафуровга

1

Китоб жавонимни титкилайман,
Ярқ эттан чақиндай кўзимга тўқинар:
"Гўзалликнинг олмос қирралари".
"Унутилмаган боғ" яшнатар юрагим
дашту далаларин.
Бунда Усмон Носир ёниб шеър ўқир.

Китоб жавонимни титкилайман.
"Жозиба" оҳангларда шеър ёзар
"Она юрт куйчиси" устоз Миртемир.
О, эл шоири мисраларида
"Ёнар сўз", "Юрак аланга"...

1952 йили туғилган. "Юрақдаги сўзлар", "Ёруғ кунлар", "Изтироб остонаси", "Тун товуши" сингари шеърий тўпламлари нашр этилган. У таржимон сифатида хитой, япон, рус шеърияти намуналарини ўзбек тилига ўгирган. "Адабиётимиз ранг-баранг бўлишини хоҳлайман", дейди шоир суҳбатларининг бирида ва бу фикрни ўз қатъият ва садоқати билан тасдиқлаб келмоқда.

ЯШИЛ КИТОБЛАР

Китоб жавонимни титкилайман.
"Прозанинг шоири — Саид Аҳмад".
"Уфқ" бағридан термулар хушчақчақ,
маъюс кўприк солур
дилга "Лириканинг юраги".

Китоб жавонимни титкилайман.
Ўтли кўзларимда "Эл эркинлиги".
Ёлғиз Оллоҳимга "Илтижо" айлаб
дилимни уйғотар "Ҳаё — халоскор".

Китоб жавонимни титкилайман.
Буюк Достоевский бирла
ўз тилимда сўзлашурман,
руҳиятим синар чиннидай чил-чил.

Ў, Хемингуэй Навоий тилида
сўзлайди бийрон...

2

Китоб жавонимни қўмсайман.
Руҳим денгизида қўпар "Қиёмат".
Бошим узра кезар
"Чингизхоннинг оқ булути".
Юрагим дарсхонасига кирар
Мопассан, Нозим Ҳикмат.
"Азизим" бахш этар "Сурур".

Оҳ, жонимни ачитар ярадай
Нитшенинг "Зардушт таваллоси"

Китоб жавонимни титкилайман.
Тиллашурман
колумбиялик буюк
Габриэл Гарсиа Маркес билан.

Авлиё каби
мени юксалтирар осмон сари
"Конфуций ҳикматлари"...

Китоб жавонимни титкилайман.
"Ям-яшил дарахт" соясида
Саксон ёшли донишманд Иброҳим Ғафур.
Унинг ям-яшил қўллари тўла китоб.
У дунёга боқади нигоҳлари ям-яшил.
Ям-яшил кўкламдай унинг борлиғи.

Дилором ИСМОИЛОВА

КУЗ

Сув юзида қалқир олтин барг,
Кўзинг олар бу жимир-жимир.
Бу танти куз жўшқин анҳорга
Олтин узук совға қилгандир...

Баҳс бойлашиб тўлқинлар билан
Қирғоқларда чопади шамол.
Тугунчасин кўрсатмоқчидай
Атиргуллар ташлайди рўмол.

Оёқларим остига тушган
Чўқиртаклар синар қисирлаб.
Шўхлик қилиб толлар — деразам
Ойнасига чўзиб турар лаб.

Шундай кунда сайр этсак бирга,
Дийдор бўлиб энг ширин тилак.
Сариқ дўппи кийган боғларга,
Бизлар жуда ярашсак керак.

ТУННИНГ ОЙ ЮЗИДАН...

Тун қошимга келди, қаро зулфлари
Бошдан оёқ қадар кетмиш чулғаниб.
Бу кеча кечаги тунга ўхшамас,
Бугун уни асло бўлмайди таниб.
Ўн тўрт кунлик ойдек тўлишган юзи,
Юлдуз кўзларида муҳаббат лим-лим.
Ойнинг елкасига бошимни қўйдим,
Шуълалари билан ёритди кўнглим.

1965 йили Самарқанд вилоятида туғилган. Самарқанд давлат университетининг Ўзбек тили ва адабиёти факультетини тамомлаган. "Юрагимда гуллар шивири", "Райҳон исли кунлар", "Соғиниб кетдим", "Меҳрибоним қайдасиз" сингари шеърий тўпламлари чоп этилган.

СИЗГА ЎХШАЙМАН

Мендан узоқлашса баъзида офтоб,
Баъзан ҳилол тиғдек ботса кўксимга.
Юрак-бағрим бериб ётсам ерларга,
Қошимга келиб тун айтар, ўксима!
Бунчалар фусункор бўлмаса оқшом,
Ҳайрат тоқатимни кетади узиб.
Туннинг ой юзидан ўпиб оламан,
Оёғим учида аста чўзилиб.

ИЛТИЖО

Куртак ёзгандан то хазон бўлгунча,
Умрни бошидан кечирган боғлар.
Кўнглимдек ёнгувчи кўнгил бормикан,
Айтинг, юрагимда қолмасин доғлар.

Қорлар ёғса ҳамки шохлар қошига,
Йўлакда шивирлаб юрган хазонлар
Сиз каби эзилган бағирлар борми,
Айтинг, олдингизга келдим азонлаб.

Гарчанд атрофимда одамлар кўпдир,
Бироқ баъзан ўзни ёлғиз сезаман.
Мен ҳам худди сизга ўхшайман, боғлар,
Мен ҳам бу ҳаётни жуда севаман.

Дарахтлар юраги тўкилмасин ҳеч,
Баҳорлар безасин бутун оламни.
Менга ҳам топиб бер, учраштир, само,
Кўнгли меникига ўхшаш одамни.

ҲИКОЯ

И Чол ХУАН,
корейс адиби

ПИАНИНО

Қиш қуёши булутлар ортидан ҳорғин нур сочар, майин лайлаққор ерга оҳиста кўнар, қорпарчалар пианино овозига ҳамоҳанг парвоз қиларди. Борлиқни сокинлик қоплаган, бу осойишталик одамлар қалбига-да кириб борарди. Томдан оёқларини осилтириб тушаётган яхмалак совуқ шамолга юзини юварди. Бурчакдаги ошхонадан ёқимли ҳид, ошхона ичкарисидаги печ устида қайнаётган сув буғи деразадан таралиб турарди.

Шом вақти ошхонага икки қиз ва бир болакай кириб келишди. Бу ерда хўрандалар йўқ эди. Одмигина кийиниб олган болалар овқат пиширилаётган жойга яқин столларнинг бирига ўтиришди. Ошхона хўжайини Ёнг Чол буюртма олиш учун борганида, улар қандай овқат ейишни маслаҳат қилишаётганди.

– Нима ейсизлар? – Опа укаси ва сингглисидан сўради.

– Чажангмён еймиз, – деди иккаласи бир овоздан.

– Амаки, бизга икки кишилик чажангмён олиб келинг.

Ёнг Чол хотини Ёнг Сонга буюртмани айтгач, печ олдига бориб турди. Шунда болаларнинг овози қулоғига чалинди.

– Опа, нега ўзингизга овқат айтмадингиз?

– Мен тушликда тўйиб овқат егандим, шунинг учунми, қорним очмади.

Овқатни олиб келишгандан сўнг уни маза қилиб еяётган етти ёшлардаги бола ёғоч чўпчаларни оғзига солиб, соқовланиб гапирди:

– Опа, сиз ҳам енг, жуда мазали экан.

– Ҳозир егим келмаяпти. Бугун сенинг туғилган кунинг бўлгани учун сен кўпроқ еб ол, – дея опаси укасининг қўлларини ушлаб, кўзларига меҳр билан тикилди.

– Опа, ота-онамиз бўлганида... биз ҳам бахтли яшардик, бошқаларга ўхшаб кечки овқатни бирга ердик, – деди укаси улардан сал нарида ота-онаси билан овқатланаётган ўзи тенги болаларга ҳавас билан қараб.

Шу пайт Ёнг Сон И овқат пиширилаётган хонадан чиқиб келди. У бир муддат болаларнинг юз-кўзига диққат билан қараб турди.

– Нима бўлди, уларни танийсанми? – Ёнг Чол хотинидан сўради.

– Шунчаки, улар жуда қийналган болалар экан...

Бироз ўйланиб турган Ёнг Сон болалар томонга борди.

– Сенинг исминг Ин Ҳе, шундайми?

– Ҳа. Сиз кимсиз? – Аёлнинг саволидан қизалоқ ҳайрон бўлди.

– Ойингнинг дугонасиман. Мени танидингми, Ёнг Сон холангман.

Кенари гули каби сариқ юзли болалар бирбирига тикилиб бир сўз демай жим туришарди.

– Бир маҳаллада яшардик. Сизларникига тез-тез бориб турардим. У вақти сен жуда кичкина эдинг, – аёлнинг юзидаги севинч болаларнинг ҳам юзига кўчди. – Инчон жуда катта шаҳар. Олдин учратган одамларингни ҳозир учратиш қийин бўлиб қолган.

Аёлни эслашгандек болалар ҳам жилмайишди.

– Бироз кутиб турингглар, ҳозир сизларга мазали бирор нарса пишириб келаман.

Ёнг Сон шошиб қозон олдига борди ва бироз ўтиб уч коса чажангмён ва тансуюк олиб келди. Болаларнинг мазза қилиб овқатланаётганини кузатиб турган Ёнг Соннинг беихтиёр кўзлари намланди.

– Катта раҳмат сизга. Яхши қолинг, – болалар холанинг мурувватидан хурсанд ҳолда хайрлашишди.

– Яхши боринглар. Эҳтиёт бўлинглар... Чажангмён егиларинг келса, қачон бўлса ҳам, уялмай келаверинглар, хўпми?

– Хўп, хола, раҳмат.

Болалар олтин топган кишидек шод бўлиб кетишди. Ёнг Сон бўлса ошхона эшиги олдида турганча қўлини силкиб хайрлашди. Қоронғу йўлда тобора уларнинг шарпалари олислаб, тарновдаги сумалак каби узун-қисқа бўлиб кўринарди. Болалар кўринмай қолгунча Ёнг Сон уларнинг ортидан кузатиб турди.

– Кимнинг болалари, мен шунча эсласам ҳам ёдимга келмади, – болалар кетгач, Ёнг Чол хотинидан сўради.

– Рости, мен ҳам уларни танимайман. Ота-онаси йўқлиги сабаб уларга овқат бериб, юракларидаги дардни озроқ бўлса-да, енгиллаштирмоқчи бўлдим, холос. Шунинг учун ойингнинг дугонасиман, дея уларга бир чимдим бўлса-да, меҳр бермоқчийдим...

– Шунақами... Уларнинг исмини қаердан билдинг?

– Болаларнинг гапини эшитиб қолгандим. Уларнинг аҳволи юрагимни эзди.

– Исмларини айтганинг учун мен ростдан уларни танийсан, деб ўйлабман.

– Бугун Ин Ҳе укасининг туғилган кунига мазали овқат олиб бериш учун бу ерга олиб келган экан. Ўзи овқатланишни хоҳласа ҳам, укаларига ёлғон гапириб, очликка сабр қилиб ўтирган қизалоқнинг ҳоли юрагимни ларзага солди, – Ёнг Соннинг юзидан кўз ёшлари думалаб тушди.

Ёнг Чол бечора болаларнинг дилини оғритиб қўймаслик учун ёлғон гапирган хотинининг бу ишини ўзича баҳолади. Негаки, ота-онаси бўлмаган бу болаларга шунчаки текинга овқат берса, уларнинг кўнглига оғир ботарди, эҳтимол.

Ўша тун ҳамон пианино овози эшитилиб турар, бу куй кишиларнинг қалбига ажиб ҳисларни олиб кирарди. Одамларнинг кўнглини оғритмай севиш қанчалар қийин. Ўзгалар юрагидаги дардга сўзсиз малҳам қўйиш қанчалар гўзал фазилат.

Корейс тилидан Малоҳат ҒАФФОРОВА таржимаси.

«ТАЪВИЗ УЛ-ОШИҚИН»

девонининг янги топилган қўлёзма нусхаси

Бошланиши биринчи саҳифада.

Тадқиқот натижалари бўйича 2017 йилда Санкт-Петербург Қўлёзмалар институти ва Беруний номидаги Шарқшунослик институтида сақланаётган Хоразм туркий адабий манбаларининг рўйхати шакллантирилди ва тавсифланди; Хоразм адабий муҳити бўйича илмий иш олиб борган республика олимларининг биобиблиографияси яратилди, эришилган натижалар бўйича республика ва чет эл анжуманларида илмий маърузалар ўқилди, мақолалар чоп этилди.

Маълумки, Хоразм туркий адабий муҳити, айниқса, Огаҳий ижоди билан боғлиқ бир қанча илмий ишлар амалга оширилган. Р.Мажидийнинг "Огаҳий лирикаси", С.Долимовнинг "Огаҳийнинг ҳаёти ва ижоди", Н.Комиловнинг "Огаҳийнинг таржимонлик маҳорати", М.Сафарбоевнинг "Огаҳийнинг ижтимоий-сиёсий ва эстетик қарашлари", М.Қосимованинг "Муҳаммадниёз Нишотий", Г.Исмоиловнинг "Феруз даври адабий муҳити", М.Сулаймоновнинг "Ҳофиз Хоразмий ва ўзбек лирик шеъриятининг ривожи", Ф.Ғанихўжаевнинг "Таъвиз ул-ошиқин" девони ва унинг илмий-танқидий матни" каби илмий тадқиқотлари шулар жумласидандир.

Дунё шарқшунослигида Хоразм адабий жараёнига қизиқиш узоқ тарихга эгалиги, айрим илмий тадқиқотлар олиб борилганига қарамай, адабий манбалари тадқиқи мавзуси ҳануз махсус текширилмаган. Буни ўз даврида нафақат бизнинг олимларимиз, балки рус тадқиқотчилари ҳам тан олган, муҳим фикрларни ёзиб қолдирган.

Санкт-Петербург шарқшунослик кутубхонасидаги архив материалларидан маълум бўлишича, Хоразм адабий муҳитини ўрганиш учун юртимизга келган рус олими А.Н.Самойлович (1889 — 1938) 1908 йилда шоҳ ва шоир Муҳаммад Раҳимхон II – Ферузнинг рухсати билан унинг шахсий кутубхонасида шуғулланишга, у ерда мавжуд қўлёзмалар каталогини тузишга муваффақ бўлган. Босмахонани шахсан кузатган олимнинг гувоҳлик беришича, бу маскан тижорат мақсадида эмас, айнан китобхонликни ривожлантириш, маънавий дурдоналардан халқни кўпроқ баҳраманд қилиш мақсадида очилган. "*Менинг Хива сарой кутубхоналари ва адабиёт аҳли ҳақидаги кузатувларим,* – деб ёзган эди олим, – *XIX аср Хоразм адабий муҳити вакиллари «эккан уруғ» нечоғли ҳосилдор бўлганини кўрсатди. Петербургда юзлаб қўлёзма манбалар тўпланганига қарамай, Хива адабий муҳити ҳали ҳам мутахассислар эътиборидан четда қолиб келмоқда. Ваҳоланки, баҳоли қудрат қилинган изланишлар XIX аср Хоразм адабий муҳитида бир қанча иқтидорли шоир, тарихчи ва таржимонлар фаолият юритганини кўрсатди.* "

Фан тарихида Хоразм адабий муҳитига қизиқишнинг ижтимоий илдизлари Хива хонлигидаги тарихий шароит ва маданий ҳаёт билан чамбарчас боғлиқ. Илмий ва тарихий манбаларда Хоразмда китобга қизиқиш, уни тарқатиш ва кутубхоналарга жамлаш маънавий-маърифий ҳаётнинг ажралмас қисми сифатида эътироф этилган.

Хоразм аҳлининг маданияти, илмга чанқоқлиги, салоҳияти ҳақида рус олимлари, саёҳатчилари ва ҳарбийлар томонидан жуда илиқ фикрлар билдирилган. Масалан, Н.Н.Муравьёв Хивага саёҳати давомида у ерда ўз она тилидан ташқари араб ва форс тилида бемалол ўқийдиган ва ёза оладиган кўплаб зиёлиларни учратгани ҳақида ёзади.

А.Н.Самойлович бу борада замондоши, рус шарқшуноси Н.П.Остроумовга ёзган хатида: «*Биз ноқобил мустамлакачилар тараққий қилган мусулмонларга маърифат беришга ҳақли эмасмиз, Хивада буни жуда яхши билишади ва мен у ерда ҳавас қилгудек иқтидорларни кўриб шунга амин бўлдим*», дея фикр билдиради. Хориж олимларининг бу каби холисона фикрлари ўзбек халқининг маънавий дурдоналари тан олингани, ўрганишга қизиқиш кучли бўлгани ва ҳеч кимдан кам бўлмаган тараққиёт босқичида эканлигини, нафақат Шарқ, балки Ғарб цивилизацияси, умумжаҳон тараққиётида муҳим аҳамият касб этганини кўрсатади.

XIX–XX аср бошларида тарихий бурилишлар, истилочилик ҳаракатлари оқибатларига қарамасдан Хоразмда тарихнавислик, шеърият, хаттотлик, мусиқа санъатининг ривож топиши, адабий муҳитда ўзига хос жонланиш, ғоявий ва бадиий жиҳатдан юксалиш, кўплаб таржима асарларнинг пайдо бўлиши кузатилади. Бу тараққиётда маърифатпарвар Ферузнинг алоҳида ҳиссаси бўлиб, у саройни ўзига хос илмий-маданий марказга айлантирган, шоиру олимларнинг ижодий камолоти учун шарт-шароитлар яратган.

Мунис, Холис, Огаҳий, Феруз, Баёний каби шоирларнинг қўлёзма асарлари бир неча бор кўчирилган. Нафақат Ўзбекистонда, балки Марказий Осиёда биринчи литографиянинг айнан Хивада пайдо бўлгани Ферузнинг шахсий рағбати ва сарой амалдорларининг китобат аҳлига нисбатан ижобий муносабати, китобхонлик маданиятининг ривожланганини кўрсатади.

Халқ орасида кўпроқ лирик шоир сифатида машҳур Огаҳийнинг назмий меросига қизиқиш шоир яшаган макон ва замонда ниҳоятда кучли бўлган ва шоир девони машҳур котиблар томонидан бир неча бор кўчирилган, илмга ташна қалбларга тақдим қилинган. Давр тақозоси билан турли даргоҳларга бориб қолган бу қўлёзма нусхалардан баъзилари ҳанузгача мухлислар қўлида сақланмоқда.

«Таъвиз ул-ошиқин» девонининг ўнинчи қўлёзма нусхасини биз Хоразм вилояти Ҳазорасп туманидан, шеъриятга ихлоси баланд инсоннинг шахсий кутубхонасидан топишга муяссар бўлдик. Мазкур қўлёзма уй эгасига бобосидан мерос қолган ва бу хонадонда тез-тез адабиёт ихлосмандларининг суҳбатлари, шеърхонлик кечалари бўлиб турган экан.

Мазкур қўлёзма нусха оч пушти ранг европа қоғозига икки устунда, қора сиёҳ билан чиройли насталиқ хатида ёзилган. Саҳифалар қизил, кўк, майда қора ва зарҳал буёқларда чегараланган. Сарлавҳалар қизил сиёҳда. Саҳифалар котиб томонидан рақамланган, уларнинг ҳошияларига мисралари зарҳал белги билан ажратилган форсий рубоийлар битилган. Қўлёзманинг 126-, 244-, 470-, 477-варақларига муҳим тузатиш ва қўшимчалар киритилган. Муқоваси оч кўк рангли қалин картон қоғозига ишланган. Ўлчови 21х28.

Қўлёзма 122-саҳифадан бошланиб, 557-саҳифада тугалланган. Баъзи варақларнинг йўқолгани боис девон котиби ва кўчирилган йили ҳақида маълумот бера олмаймиз. Аммо девон икки қисмдан иборатлиги ва мукаммал нусхалардан бири бўлганини эътироф этиш мумкин. Даъвомиз далилсиз бўлмаслиги учун девоннинг 484-саҳифасида битилган ушбу фикрларни келтирамиз: «Дебоча ва ғазал ва мустазод ва мухаммас ва мураббаъ ва мусаддас ва мусамман ва муқаттеъ ва чистон ва таржеъбанд ва муаммо ва маснавийлар ва баҳри таъвил ёзилиб тамом бўлди". Шунингдек, 526-варақдаги қуйидаги хулоса ҳам муҳим аҳамиятга эга: "Форсий ғазаллар ва мухаммаслар ва тазмин тариқасида мусамман ва муножот ва таърихлар ёзилди. Эмди қасидалардан бошлаб ёзилур».

Юқорида келтирилган қайдлар девонда шоир ижод этган мумтоз шеър турларининг деярли барчаси мавжуд бўлганлигини кўрсатади. Жумладан, қўлёзманинг сақланиб қолган саҳифаларида Огаҳийнинг 100 та ғазали (78таси ўзбекча, 22таси форсча), 2та мустазоди, 12та мухаммаси (7таси ўзбекча, 5таси форсча), 3та мусаддаси, 2та мусаммани (1таси ўзбекча, 1таси форсча), 1та таржеъбанди, 41та муаммоси, 5та маснавийси, 1та баҳри таъвили, 1та муножоти, 28та таърихи, 7та қасидаси мавжуд.

Девон таркибида фанга маълум тўққизта қўлёзма нусханинг ҳеч биттасида учрамайдиган саккизта таърих ва битта маснавийнинг мавжудлиги Огаҳий назмий мероси ҳақида янада тўликроқ маълумот беради. Булар «Аё Хисрави маъдалатдастгоҳ» деб бошланувчи маснавий (475-варақ) ва қўлёзманинг 514-, 515-, 521-, 522-, 523-, 524-саҳифаларидаги таърихлардир.

Хусусан, зикр этилган 184 мисра 92 байтдан иборат маснавийнинг тўлиқ матни бу қўлёзма нусхадан ташқари яна Огаҳийнинг «Гулшани давлат», Баёнийнинг «Шажараий Хоразмшоҳий» тарихий асарларида мавжуд. «Таъвиз ул-ошиқин» девонининг бошқа қўлёзма нусхаларида эса дебоча таркибида маснавийдан айрим парчалар келтирилган, холос. Айнан шу парчалардан баъзилари айрим адабиётшуносларимиз томонидан таҳлилга тортилган.

Девон саҳифалари ҳошиясида иккитадан форсча рубоий битилган бўлиб, улар жами 336 тани ташкил қилади. Фикримизча, Огаҳий назмий дурдоналарини кўчириш жараёнида котиб масалага ижодий ёндашиб, Навоий ва Саъдийнинг форсча рубоийларидан намуналар киритган.

Хуллас, «Таъвиз ул-ошиқин» девонининг янги топилган бу қўлёзма нусхаси сақланиш даражаси, таркиби, хуснихат ва китобат санъати намунаси сифатида муҳим аҳамиятга эга бўлиб, уни ўрганиш, бошқа қўлёзма нусхалар билан таққослашнинг ўзи алоҳида илмий тадқиқот объекти бўлиши мумкин.

Миллий маънавий тикланиш масаласи долзарб бўлган бугунги кунда, юртимизда ва чет элда мавжуд Огаҳий қўлёзмаларининг салмоғини аниқлаш, ўрганилиши билан боғлиқ маълумотларни юзага чиқариш ва кенг тарғиб қилиш адабиёт тарихини янги фактлар ва қарашлар билан янада бойитади.

Гулноз ХАЛЛИЕВА,
Тошкент давлат шарқшунослик институти доценти, филология фанлари доктори

Иброҳим Ғафуров таваллудининг 80 йиллигига

ЭЛ ЭҲТИРОМИ

Мамлакатимизда адабиёт ва санъат ривожига қаратилган эътибор бугунги кунда ҳар қачонгидан-да зиёда. Давлатимиз раҳбарининг ижод аҳлига ғамхўрлиги туфайли адибларимиз, адабиёт фидойилари алоҳида иззат-эҳтиромга сазовор бўлмоқдалар. Чирчиқ шаҳридаги «Кимёгарлар» маданият саройида бўлиб ўтган тадбирда шоиру адиблар, санъаткорлар, адабиёт ихлосмандлари жам бўлишди. Анжуман Иброҳим Ғафуров илмий-ижодий фаолияти мисолида бугунги ўзбек адабиёти ҳамда таржимонлик санъатидаги янгиланиш ва ўзгариш, юксалиш ва ривожланишлар жараёнларининг қизғин муҳокамасига айланди. Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги

Мансур ХИММАТОВ олган сурат.

Бахтиёр Назаров, халқ шоирлари Ойдин Ҳожиева, Анвар Обиджон, Маҳмуд Тоир, халқ рассоми Алишер Мирзаев, Республикада хизмат кўрсатган маданият ходими Шарифа Салимова, таниқли шоира Ҳалима Аҳмедова ва бошқалар И.Ғафуровнинг мутаржимлик, мунаққидлик, мураббийлик соҳасидаги ибратли фаолияти, юксак инсоний фазилатлари ҳақида жўшиб фикр билдирдилар. Адабий анжуманда Иброҳим Ғафуров мансураларидан намуналар ўқилди. Айниқса, Чирчиқ давлат педагогика институти талабаси Мухлиса Муҳаммаджонованинг илиқ фикрлари, ёшликнинг беғубор хаёлларига эш бўлган кузатувлари иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

Дарҳақиқат, эл эҳтиромини қозониш, адабиёт ихлосмандлари эътирофига эришишга узоқ йиллар мобайнида изчил изланиб, машаққатлар чекиб қилинган меҳнат туфайли муяссар бўлиш мумкин. Иброҳим Ғафуровнинг ярим асрдан зиёд вақт мобайнида адабий ҳаётнинг энг қайноқ, қизғин жараёнларида доимо ўзининг холис ва профессионал сўзи билан фаол иштироки бугун адабиёт остонасини ҳатлаб кириб келаётган ёш қаламкашлар авлоди учун ибрат мактабидир. Устоз олимнинг "Ёнар сўз", "Ямяшил дарахт", "Ҳаё — халоскор", "Мангу латофат", "Паривашлар мажлиси", "Илтижо" номли китобларида жамланган адабий-танқидий мақолалари, бадиалари, ахлоқ, маънавият, миллатнинг шаклланиши, миллий онгнинг уйғониши, инсоннинг ҳозирги замондаги ўрни, одоби, ахлоқига доир теран қарашлари, нозик таҳлил ва тавсифлари ўқувчиларни нафосат оламидан бебаҳра қолмасликка, инсонга бахт келтирадиган ёруғ хаёл ва покиза қалб эгаси бўлишга даъват этиб туради.

Адиб асарларидан бирида: **"Биз бугун маънавиятли халқ, маънавиятли миллат, маънавиятли инсон ва маънавиятли шахс ҳақида орзу қиляпмиз. Тараққиётнинг омилини шунда кўраяпмиз"**, деб ёзади. Агар устознинг ижодий фаолияти, китобларига синчков назар ташласак, мана шу некбин орзу, эзгу мақсад уларнинг мазмун-мундарижасига сингдириб юборилганига амин бўламиз. Қолаверса, жаҳон адабиётидан танлаб, саралаб амалга оширган таржима асарлари ҳам том маънода миллат маънавиятини юксалтириш, дунёқарашини бойитиш, мутолаа маданияти ва бадиий савиясини юксалтиришга қаратилгани билан қимматли эстетик ва ахлоқий аҳамият касб этади.

Адабиёт илмининг нуктадони, забардаст ижодкор Иброҳим Ғафуровнинг ҳаёти ва фаолиятига, серқирра ижодига бағишланган бундай учрашувлар ҳали юртимиз бўйлаб давом этади. Чирчиқ шаҳрида ўтган ушбу тадбир бундай анжуманларнинг дебочаси.

Тадбирда вилоят ҳокимининг ўринбосари Баҳодир Аҳмедов иштирок этиб, устоз ижодкорга вилоят ҳокими табрикномаси ва эсдалик совғаларини тақдим этди.

Беҳзод ҚОБУЛОВ

ҚАРДОШЛИК МУШОИРАСИ

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида Ватанимиз мустақиллигининг 26 йиллиги ҳамда Конституциямизнинг 25 йиллигига бағишланган "Адабий дўстлик – мангулик эли" деб номланган халқаро мушоира бўлиб ўтди. Унда ўзбек ва қозоқ тилларида ижод қилаётган шоирлар, ёзувчилар, таржимонлар, жамоатчилик вакиллари ҳамда Қозоғистон Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси вакиллари иштирок этдилар.

Теран томирлар

Тадбирда мамлакатимиз маънавий-ижтимоий ҳаётида рўй бераётган янгиликлар, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан хорижий мамлакатлар, қардош эллар билан дўстлик ва халқаро маданий алоқаларнинг тобора ривожланаётгани ҳақида сўз юритилди. Айни пайтда Қозоғистон Республикаси билан дўстлик ва ҳамкорлик алоқалари янги босқичга кўтарилгани таъкидланди.

Қозоғистон Республикасидаги Ўзбек маданияти маркази раиси Икром Ҳошимжонов халқларимиз ўртасидаги адабий алоқаларнинг илдизи теран экани, тилимиз ва адабиётимиз сарчашмалари тарихан бир ўзанга бориб туташгани, аждодларимиз ва авлодларимиз саховатли она Сирдарёнинг сувларидан ичиб камол топгани ҳақида сўзлади.

Ўзбекистон халқ шоири Анвар Обиджон, таниқли шоирлар Ҳайдар Муҳаммад, Қалдибек Сейданов, Мирпўлат Мирзо ва бошқа ижодкорлар қозоқ шоирлари билан галма-гал Алишер Навоий ва Абай умрбоқий асарлар яратган тилларда дўстлик, қардошлик, Ватан ва мустақиллик мавзусидаги шеърларини ўқидилар.

Мушоирада иштирок этган ижодкор меҳмонларга Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси "Ижод" жамоат фонди ҳомийлигида нашр этилган китоблар ва эсдалик совғалари топширилди.

Ахборот хизмати

ҲАЁТИЙ ҲИКОЯЛАР

Янги нашр

Бадиий адабиётнинг чинакам ихлосмандлари ўзлари асарларини севиб мутолаа қиладиган ёзувчи ва шоирларнинг ҳаёти, ижодий лабораторияси, кўрган-кечирганлари, ҳатто турмуш тарзию оиласи, фарзандлари ҳақида ҳам тўлароқ маълумотга эга бўлишга қизиқишади. Зеро, ижодкорнинг шахси шаклланган муҳит, унинг ўзигагина хос феъл-атвори ҳам китобхонга манзур бўлган асарларида маълум даражада изини қолдиради. Шу боисдан ҳам ўқувчиларда ижодкорлар ҳақида ҳаётий ҳикояларга доимо эҳтиёж туғилади.

Мана шу маънавий эҳтиёжни инобатга олсак, Ўзбекистон халқ ёзувчиси, таниқли адиб Тоҳир Маликнинг "Sharq-ziyo-zakovat" нашриётида чоп этилган "Ёзувчининг бахти ва бахтсизлиги" номли китоби катта қизиқиш билан ўқилишига амин бўламиз.

Китобда бир неча авлодга мансуб ўзбек маърифатпарварлари, атоқли ёзувчи ва шоирлари ҳақида реал воқеаларга, ҳаётий факт ва ҳужжатларга, ёрқин хотираларга асосланиб ёзилган ҳаётий ҳикоялар жамланган. Жумладан, улуғ маърифатпарвар, миллатпарвар, Тошкент жадидларининг пешқадамларидан бўлган Абдулла Авлонийнинг фаолияти, юрт ва миллат озодлиги йўлидаги саъй-ҳаракатлари баён этилган ҳикоя аниқ тарихий факт ва маълумотлар билан далилланган туфайли чинакам ватанпарвар бобомизнинг ёрқин сиймосини кўз ўнгимизда рўй-рост гавдалантиради.

"Гарчи "Ўткан кунлар", "Меҳробдан чаён" севги қиссасига ўхшаса-да, унинг замирида Ватан тақдири, Ватан қайғуси ётади. Адиб "бир вақтлар қудратли бўлган ота юрт нима сабабдан ночор ва ғариб ҳолга тушди?" деган саволга жавоб топмоқ учун тарихни таҳлил этади...", деб ёзади муаллиф атоқли адиб Абдулла Қодирий ҳақидаги "Бошланғич синф ўқувчисининг эътирофи" номли ҳаётий ҳикоясида. Эътиборли жиҳати шундаки, муаллиф машҳур ёзувчи сиймосини тарихий далиллар воситасида кўрсатса, унинг асарларини, бу асарларнинг тақдирини ижодкор нуқтаи назаридан туриб кузатади ва ўзининг фикр-хулосаларини аниқ баён этади.

Китобга жамланган ҳаётий ҳикоялар адабиётимиз намояндалари Ғафур Ғулом, Мирзакалон Исмоилий, Қуддус Муҳаммадий, Асқад Мухтор, Шуҳрат сингари устоз адиблар ҳаёти ва ижоди ҳақидаги билимимизни, маълумотларимизни бойитади, уларнинг чин инсоний фазилатлари ҳар жиҳатдан ибратли эканига ишончимизни мустаҳкамлайди.

Муаллифнинг ўзига замондош бўлган шоир ва ёзувчилар, жумладан, Эркин Воҳидов, Ўлмас Умарбеков, Анвар Эшонов, Рауф Парфи, Шукур Холмирзаев ва бошқа ижодкорлар ҳақидаги ҳаётий ҳикоялари ҳам мароқ билан ўқилади. Улардан ана шу ижодкорларнинг бевосита шахсига, ҳаётига оид тафсилотлар асарларига сингдирилган маъно-мазмунга уйғун тарзда берилгани эътиборга молик.

"Аллоҳ сизу бизга берган улуғ неъматлардан бири — муҳтарам уламолар билан замондош қилганидир", деб ёзади муаллиф Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳақидаги "Устозлар устози" номли ҳаётий ҳикоясида. Дарҳақиқат, ўзига замондош бўлган ҳамкасбу ҳаммаслакларнинг шахси, ижодхонаси, ибрат бўлгулик фазилатлари, кўнгил дардларидан ҳикоя қилинган "Ёзувчининг бахти ва бахтсизлиги" китоби асарларини биз севиб мутолаа қиладиган адиблар, шоирлар ҳақидаги тасаввуримизни бойитади, уларни янада яқиндан танитади.

ҲАМКОРЛИКНИНГ ОЙДИН ЙЎЛИ

Ўзбек-корейс адабий алоқалари

Бошланиши биринчи саҳифада.

Адабий алоқалар адабиётлар ривожида муҳим омил бўлиб, халқларни яқинлаштиришда, танитишда беқиёс аҳамиятга эга. Шу нуқтаи назардан Ўзбекистонда корейс ёзма манбаларини ўрганишга жиддий эътибор қаратилган. Зеро, Корея қадимий маданиятга, адабиётга эга мамлакатлардан. Корейс адабиётининг илк даври X асргача бўлган давр ҳисобланади. Ўнинчи асрдан ўн тўртинчи асргача бўлган давр Корйо сулоласи даври деб аталса, ўн беш — ўн тўққизинчи асрлар Чосон сулоласи давридир. Чосон даврида, 1446 йилда корейс миллий алифбоси яратилиши билан адабиёт ҳам жадал ривожланиб, китоблар чоп этила бошланган. Йигирманчи аср янги адабиёт даври дея номланади. Бу вақт мобайнида Европа адабиёти таъсирида, айниқса, наср жанрида жиддий кўтарилиш кузатилади. Корейс адабиётининг ривожланишига буддизм, даосизм, конфутсийчиликнинг таъсири кучли бўлганини ҳам таъкидлаш жоиз.

Тошкент давлат шарқшунослик институти "Корейс филологияси" кафедрасида талабаларга корейс адабиётининг энг қадимги давридан замонавий адабиётгача бўлган тарихи ўқитилмоқда. Талабалар илмий изланишлар ва таржима ишларига ҳам жалб этилган. Ўзбек тилида корейс ижодкорлари асарлари таржималари, антологиялар нашр қилинмоқда. "Классик корейс шеърияти антологияси"да халқона қўшиқлар, Хуанга, Корйо, Чосон даври шеърияти ҳақида кенг маълумотлар берилган, атоқли адиблар ижодидан намуналар жамланган, ҳар бир даврнинг ўзига хос хусусиятлари шарҳланган. Масалан, ўрта асрлар корейс шеъриятида инсонни табиат билан уйғунликда тасвирлаш етакчи бўлган. Ли Жоно (1341-1371) ижоди бунинг ёрқин мисолидир. У бир шеърида шундай ёзади:

Булутларга бегона инсон ҳислари!
Мовий осмонда булутлар баланд,
Дунё узра кезар қилиб инжиқлик.
Ким айтди булутларни нияти холис деб?
Нега унда тўсар қуёшнинг юзин?

Лирик шоир Пак Хйогваннинг (XIX аср) ушбу мисралари ҳам ўзбек китобхонининг қалбига сурур бағишлаши тайин:

Яна баҳор қайтиб келганда,
Йўлбарс капалакка айлангим келар.

Далалар, ўтлоқлар устидан ўтаман учиб,
Юз хил турфа гулнинг хушбўйин ҳидлаб.

Ҳаётдаги барча лаззат ундадир,
Унинг ўхшашини топмоқ мумкинми?

"Классик корейс насри антологияси", "Замонавий корейс насри антологияси" китобларида ҳам корейс адабиёти тарихи ҳақида кенг маълумот берилиб, таниқли адиблар асарларидан намуналар ўзбек тилига ўгирилиб чоп этилган. Таржимачилик иши икки томонлама олиб бориляпти. Ўзбек адибларининг асарлари ҳам корейс тилига таржима қилинди ва бу иш давом этаётир. Корейс тилида "XX аср ўзбек шеъриятидан намуналар" китоби нашр этилди. Антологиядан ўзбек шеъриятининг Абдулҳамид Чўлпондан бошлаб йигирма нафар таниқли вакилларининг шеърлари жой олган.

"XX аср ўзбек ҳикоялари" китобига эса Абдулла Қодирийдан Зулфия Қуролбой қизигача бўлган ижодкорларнинг асарларидан намуналар киритилган. Атоқли адибимиз Абдулла Қаҳҳор ҳикоялари, ўзбек шеъриятининг фахри, шоира Зулфия шеърлари ҳам корейс тилида алоҳида китоб ҳолида нашр этилди. Ҳазрат Алишер Навоийнинг ғазаллари, Абдулла Қодирийнинг "Ўткан кунлар" романи, Муҳаммад Юсуф шеърларининг корейс тилига таржимаси устида иш олиб борилаётир. Умида Сайдазимова, Виктория Ким сингари адабиётшунос олимларимиз ўзбек-корейс адабий алоқалари ва корейс адиблари ижоди бўйича тадқиқот олиб боришаётир.

Бир неча йилдан буён Корея Республикасидаги Осиё қўмитаси ўтказадиган "Сказительское искусство"(«Айтишув санъати») анжуманида ўзбек ижодкорлари мунтазам қатнашиб келмоқда. Таниқли шоир ва ёзувчилар Анвар Обиджон, Эшқобил Шукур, Раим Фарҳодий, Кавсар Турдиева ана шу анжуманда иштирок этишди.

Ўзбекистонда яшаб ижод қилаётган корейс миллатига мансуб шоирлар Борис Пак, Марта Ким, Вячеслав Ли, Геннадий Кимнинг асарларидан намуналар ўзбек тилига таржима қилиниб, назм ихлосмандларига тақдим этиб келинаётир. Ҳозирги замон корейс адабиётининг таниқли вакили Ли Мун Ёлнинг "Олтин қанотли қуш" қиссаси ўзбек тилида чоп этилди. Хуллас, ўзбек-корейс адабий, маданий алоқаларининг ривожи халқларимизни янада яқинлаштиришга хизмат қилиши, шубҳасиз.

Адҳамбек АЛИМБЕКОВ,
филология фанлари номзоди, Ёзувчилар уюшмаси Халқаро алоқалар ва бадиий таржима бўлими масъул котиби

МАҚОМ ВА ЗАМОН

Бошланиши биринчи саҳифада.

Қарорда бетакрор санъатнинг асл илдизларини илмий-назарий жиҳатдан ўрганиш, мақом ижрочилиги билан боғлиқ анъаналар, услублар, мактабларни замон ва макон тамойили негизида равнақ топтириш, мазкур соҳа таълими билан боғлиқ масалалар, педагог-устозларни тайёрлаш, зарур моддий ва маънавий шароитлар яратиш, мақомларни анъаналарга асосланган янгича талқинларда ёзиб олиб унинг "олтин фонд"ини яратиш, халқимизни ушбу буюк санъат намуналаридан баҳраманд этиш, қолаверса, дунё халқлари орасида мақомларнинг нуфузини ошириш, замонага мос тарзда кенг тарғиб этиш каби муҳим вазифалар белгилаб берилган.

Энг муҳими ва ибратли жиҳати шундаки, мазкур ҳужжатда мақом санъати билан боғлиқ барча масалалар яхлит, бутун республика бўйича марказлаштирилган ҳолда олиб борилиши кўзда тутилган. Шунга кўра, ижодиёти ва ижрочилиги мақом санъати билан боғлиқ бўлган республикамизнинг барча воҳаларида фаолият юритаётган санъаткорларни қамраб олган "Мақом маркази"-ни тузиш таклиф этилган. Бу эса ўзбек мақом санъатининг тури кўп бўлгани билан, замини ягона эканлигининг ёрқин далилидир. Бухоро Шашмақоми, Хоразм мақомлари ва Хоразм дутор мақомлари, Фарғона-Тошкент мақом йўллари, Фарғона сурнай мақом йўллари, қолаверса, барча воҳаларда мақомлар асосида яратилган мумтоз куй ва ашулалар биргина "мақом" сўзи замирида жам бўлган.

Республикамизнинг барча вилоятларида ансамбллар тузилиши ва фаолият олиб боришининг марказлашуви кейинги ишларнинг муҳим босқичидир. Аввало, вилоятларда улуғ санъатимиз ижрочилари ва ижодкорлари шаклланади ҳамда улар фаолиятини ривожлантириш чора-тадбирлари кўрилади, қолаверса, бошланғич ва ўрта таълим тизимида ёш авлодни мақом санъати воситасида тарбиялаш бошқа оммавий жанрлар ижрочилигида ижобий натижаларга олиб келиши, шубҳасиз.

Мақомларни ўрганиш ва тарғиб қилишда ҳар икки йилда Шаҳрисабз шаҳрида ўтказиладиган мақом анжумани жуда катта амалий аҳамият касб этади. Чунки мазкур анжуман мақомларни мукаммал ўзлаштирган ёш созанда, хонандаларнинг маҳоратини намойиш этадиган катта имкониятлар саҳнаси вазифасини ўтайди. Бу анжуманнинг яна бир ўзига хос жиҳати шундаки, унда Шарқ мақомот усталарининг қизғин ижодий мусобақаси ташкил этилади.

Бир сўз билан айтганда, мазкур қарор, аввало, мусиқа санъати намояндалари амалиётида қадим миллий ижро маданиятининг қайтадан тикланишига, мактабдан олий таълимгача бўлган ўқув жараёнида мақомларни ўрганишга, созанда ва хонандаларимиз савиясининг, билимининг юксалишига, ўзбек мақомларининг беқиёс жозибасини халқаро миқёсда янада кенгроқ тарғиб қилишга, Шарқ халқлари мақомоти, яъни рага, дастгоҳ, мақам, нуба ва муғом санъатининг моҳир созанда ва хонандалари юртимизга келиб ўз санъатларини намойиш этишига кенг имкониятлар яратади. Муҳими, келажагимиз эгалари бўлмиш ёш авлодни баркамол этиб тарбиялашнинг имкониятлари кенгаяди.

Муносабат

БАРҲАЁТ ХОТИРАЛАР

Бундан саксон йил муқаддам Ўзбекистонда иккинчи Ватанини топган кореялик ижодкорлар учун она диёримиз нажот ва илҳом, умид ва ижод бўстонига айланди.

Бугун биз уларни сира иккиланмай ўзбекистонлик рассомлар, миллий тасвирий санъатимизнинг етакчи намояндалари сифатида эътироф этамиз. Чунки уларнинг тақдири ва ижоди, изланишу ютуқлари шу замин билан чамбарчас боғланган. Ўзбекистон Бадиий академиясининг Марказий намойишлар залида очилган "Хотира" ретроспектив кўргазмаси бунинг ёрқин бадиий ифодасига айланди. Ушбу йирик кўргазма юртимизда узоқ йиллардан буён ижод қилиб, миллий санъатимиз ривожига муносиб ҳисса қўшган корейс рассомларининг рангтасвир, графика, фотография ва ҳайкалтарошлик асарларини жамлаган.

Ўзбекистон ва жаҳон

Намойиш залига қадам қўйганингиз ҳамоно икки халқ анъаналарини ўзида уйғунлаштирган мумтоз ижодий руҳни ҳис этасиз. Майин оҳангда янграётган корейс халқининг миллий куй-қўшиқлари экспозициядан ўрин олган санъат асарларига янада теран назар солишга чорлайди. Кўргазмани очиб берган Виктор Аннинг фотолари жафокаш корейс халқининг ўтмиши ва келажаги ҳақида ҳикоя қилади. Рассом миллатдошларининг юртимиздаги осойишта ҳаётини, ўзбекона турмуш билан уйғунлашиб кетган анъаналарини самимий лавҳаларда меҳр билан тасвирлаган.

Маданиятлар мулоқоти жараёни, айниқса, рангтасвир асарларида ёрқин акс этган. Николай Шин, Василий Те, Николай Пак сингари истеъдодли мўйқалам соҳибларининг портрет, манзара ва композицияларида миллий мотивларнинг гўзал талқинини кўрамиз. В.Тенинг ўзбек ҳунармандларига бағишланган картиналари нақшинкор нафис услуби билан ажралиб турса, Н.Пакнинг замондошлар портретида реалистик ёндашув устувор. Таниқли натюрморт устаси Искра Шиннинг анвойи гуллари, Игорь Шиннинг декоратив манзаралари ҳам ўзбекона самимиятга йўғрилган. Корейс рассомларининг катта авлоди халқимизнинг бой маданияти, анъана ва урф-одатларидан илҳом олгани яққол сезилиб туради.

Кўргазмада Ольга Шин, Виктория Ким, Евгений Пак, Дарья Ким сингари янги авлод рассомлари яратган ишлар билан ҳам танишиш мумкин. О.Шин кўп қиёфали, ёрқин жилоларга бой композицияларида ўз халқининг қадимий томоша ва ўйинларини жонлантиришга ҳаракат қилса, Д.Кимнинг изланишларида постмодернистик рангтасвирга хос чуқур ижтимоий мулоҳазалар акс этган. Эътиборли жиҳати, бу ёшлар орасида замонавий тасвирий санъатнинг янги ифода воситаларига мурожаат қилаётганлари ҳам бор. В.Кимнинг "Қочоқлар оиласи" номли инсталляциясида ўтмиш хотиралари янгича шакл касб этиб, оғир синовларни бошдан кечирган инсонлар қисматига янада теран назар солиш имконини беради.

Намойишдан ўрин олган бошқа асарлар ҳам томошабинларни бефарқ қолдирмаслиги аниқ. Зеро, бу ижодий ишларда шунчаки ўтмиш воқеалари эмас, балки юракларимизни ҳаяжонга соладиган, бизни жиддий мушоҳада юритишга ундайдиган барҳаёт хотиралар жонланади. Улар бугунги нотинч дунёда инсонийлик, бағрикенглик ва меҳр-оқибат ғоялари нечоғли қадрли ва азиз эканини ёдимизга солади. Ҳаётга, инсонлар тақдирига бефарқ бўлмасликка, жамики миллатлар ва халқларга эзгулик ва инсонийлик нигоҳи билан назар солишга чорлайди.

А.ИМОМОВ

Илёс АРАБОВ,
"Ниҳол" мукофоти совриндори:

ХАЛҚ ХИЗМАТИГА КАМАРБАСТАМИЗ

Мақом санъати бугун миллий маданиятимиз рамзига, ўзбек халқининг дунё ҳавас қилса арзигулик бебаҳо бойлигига айланганини кўриб турибмиз. Нафақат юртимизда, балки жаҳонда ҳам ўзбек мақом мактабининг мавқеи юксалиб бормоқда. Ўтган йили биз Консерватория профессори, устоз Равшан Юнусов билан бирга Исроилда бўлиб ўтган анъанавий мақом фестивалида иштирок этгандик. Очиғи, бу ерда мақом санъатига қизиқишни кўриб ҳайратда қолдик. Фестивалда қатнашиш учун турли мамлакатлардан ташриф буюрган мақом усталари билан бизни кўринмас ришта боғлаб турганлиги эди. Тилимиз, маданиятимиз фарқ қилса ҳам, мумтоз оҳангларимизда шундай яқинлик борки, уларни бир оиланинг фарзандларига менгзаш мумкин.

Мамлакатимиз Президентининг "Ўзбек миллий мақом санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорини ўқиб, хаёлимда ўша сафар таассуротлари яна жонланди. Зеро, "Шашмақом" дунёга келган юрт ижодкорлари сифатида ушбу нодир санъатни асраб-авайлаш бизнинг бурчимиз-да! Буни мамлакатимиз раҳбари ижодкор зиёлилар вакиллари билан учрашувида ҳам алоҳида таъкидлаб ўтганди. Шунинг учунми, мақом санъати тўғрисидаги қарорни ҳаяжон билан кутаётган эдик.

Қарорда соҳа ривожи учун зарур бир қатор вазифалар билан бирга, муаммоларга ҳам жиддий эътибор қаратилган. Жумладан, ёш авлодни юксак инсоний туйғулар руҳида тарбиялаш, уларнинг эстетик диди ва тафаккурини шакллантиришда мақом санъатининг имкониятларидан етарлича фойдаланилмаётгани бизни ҳам кўпдан бери ўйлантириб келаётганди. Мазкур йўналишда чуқур илмий-назарий тадқиқотлар, ўқув-услубий адабиётлар яратиш, мақом санъатини радио-телевидение, оммавий ахборот воситалари, интернет тармоғи орқали мамлакатимизда ва чет элда тарғиб қилиш масалалари жиддий эътиборни талаб қилмоқда. Эстрада саҳнасига кечагина кириб келган ҳаваскорларнинг қўшиғу клипларини интернет тармоғи орқали бир зумда юклаб олишнинг имкони бўла туриб, маданий бойлигимиз ҳисобланган мумтоз куй ва ашулаларни излаб топиш муаммога айланиши тўғри эмас. Аслида буюк бастакорлар, ҳофиз ва созандаларнинг ижролари билан нафақат интернет сайтларида, балки мактаб кутубхоналари, маданият уйлари ва бошқа ижодий муассасаларда ҳам танишиш имкониятини яратиш керак.

Янги йилдан бошлаб Шаҳрисабз шаҳрида ҳар икки йилда бир марта халқаро Мақом санъати анжуман ўтказилиши ҳамда Оқсарой майдонининг тарихий қисмида мақом санъатига бағишланган музей ва миллий созлар лабораториясининг ташкил этилиши маданий ҳаётимиздаги катта воқеа бўлишини ҳис қилиб турибмиз. Анжуманни юксак савияда ўтказиш учун хорижий давлатлардан таниқли мусиқашунос олимлар, санъаткорлар, ижодий жамоалар ва мутахассисларнинг таклиф этилиши эса халқаро алоқалар, тажриба алмашуви учун кенг йўл очади. Буларнинг барчаси ёш авлодда миллий меросимизга бўлган қизиқишни ошириб, ўзбек мақом санъатини жаҳон бўйлаб кенг ёйишга хизмат қилиши аниқ.

Албатта, қарорда белгиланган вазифалар талайгина. Уларда мақом санъатининг турли жабҳаларини қамраб олган истиқболли мақсадлар кўзланган. Демак, қизғин ижодий жараён, янгилик ва ютуқлар ҳали олдинда. Шуни ишонч билан айтиш мумкинки, мақом ижодкорлари, айниқса, мен каби ёш ижрочилар бу жабҳада изланишларга тайёрмиз!

«Ўзбекконцерт» ҳаётидан

КЕНГАШ ИШ БОШЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги "Ўзбекконцерт" давлат муассасаси қошида Балетмейстерлар кенгаши ташкил этилди. Куни кеча мазкур кенгашнинг биринчи йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишни олиб борган муассаса бўлим бошлиғи А.Раҳимов мазкур кенгашни ташкил этишдан кўзланган мақсад ва унинг вазифаларига тўхталди.

— Маданият вазири Б.Сайфуллаев ташаббуси билан тузилган ушбу кенгашнинг асосий мақсади юртимизда ижод қилаётган балетмейстерлар фаолиятини янада ривожлантириш, мавжуд бадиий жамоаларга амалий ёрдам бериш, шунингдек, миллий рақс ва балет санъатида кўзга ташланаётган камчилик ҳамда нуқсонларни бартараф этиб, соҳаларнинг салоҳиятини юксалтиришдан иборат, — деди А.Раҳимов. — Бизнинг асосий вазифаларимиздан бири устозлар анъаналарига таянган ҳолда ёш балетмейстерларга маҳоратини ошириш ва мустаҳкамлашда амалий ёрдам кўрсатишдир.

Тадбирда сўзга чиққан Қодир Мўминов, Равшан Чориев, Гулчеҳра Азимова, Гулшода Абдиева ва бошқа таниқли балетмейстерлар рақс мактаблари ва олий ўқув даргоҳида таълим-тарбия, маҳорат масалаларига жиддий эътибор бериш, истеъдодли ёш рақс ижрочилари, балетмейстерларни рағбатлантириш, ёш ўқитувчиларни хорижга малака оширишга юбориш ҳамда чет эл мутахассисларини ҳамкорликка чорлаш каби масалалар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Балетмейстерлар кенгаши таркибида Ўзбекистон халқ артисти Қодир Мўминов бошчилигида Шавкат Турсунов, Шокир Аҳмедов, Маъмура Эргашева, Феруза Саъдуллаева, Гулчеҳра Азимова, Гавҳар Матёқубова, Аҳмаджон Раҳимов, Пўлат Мадраимов сингари тажрибали санъаткорларнинг борлиги кенгаш ишининг самарали бўлишига ишонч уйғотади.

Ўз ахборотимиз

Бухоро вилоятининг Вобкент туманида, оддий деҳқон Яраш Абдураҳмон ўғли оиласида дунёга келган кенжа фарзанд бир кун келиб нафақат Ўзбекистонда, балки ундан ташқарида ҳам ўзбек санъати довруғини таратишга муносиб ҳисса қўшади, деб кимнинг хаёлига келибди, дейсиз. Оллоҳ берган истеъдод ва бетакрор овоз ёш йигитчанинг йўлини ойдин қилди.

БЕТАКРОР ОВОЗ СОҲИБИ ЭДИ

Саттор Ярашев ҳали мактабда ўқиб юрганидаёқ бадиий ҳаваскорлик тўгарагида фаол қатнашиб, танбур чалишни, ашула айтишни ўрганди. Ширали, баланд овози билан концертларда қўшиқ айтиб, одамлар тилига туша бошлади. Иш фаолиятини чўпонликдан бошлаб, кейин трактор ҳайдашни ўрганди ва тракторчи бўлиб ишлади. Яхши ишлагани учун унга янги патефон ва грампластинкалар совға қилишди. Ҳалима Носирова, Карим Зокиров, домла Ҳалим Ибодов, Шоназар Соҳибов, Муллатўйчи Тошмуҳаммедов, Бобораҳим Мирзаев каби етук хонандалар ижросини қайта-қайта тинглаб ҳам маҳорати ошди, ҳам ашула санъатига муҳаббати ортиб борди. Вобкентдаги ҳаваскор театр жамоаси раҳбари Абдулла Ортиқов ёш йигитнинг ўзига хос овози ва қўшиққа меҳр-муҳаббатини кўриб, уни жамоага таклиф қилди.

Шундай қилиб Саттор Ярашевнинг саҳна ҳаёти бошланди. "Пахта байрами", "Аршин мол олон", "Ҳалима", "Фарҳод ва Ширин" каби мусиқали драмаларда бош ролларни ўйнади. Айни пайтда режиссёрлар Миробид Мусаев, Баҳодир Жамолов, етакчи актёрлар Аъзамжон Ҳасанов, Жўра Қўлдошевдан театр санъати назарияси, актёрлик маҳорати, саҳна нутқи маданияти ва ҳаракати санъатларидан сабоқ олди. Бир муддат Вобкент театрида директорлик қилиб, жамоа таркибининг мустаҳкамланишига ҳисса қўшди. Бухоро вилояти мусиқали драма театрида ишлаган даврида эса "Фарҳод ва Ширин", "Тоҳир ва Зуҳра", "Лайли ва Мажнун" спектаклларида бош ролларни маҳорат билан ижро этиб, томошабинлар олқишига сазовор бўлди. Ўз вақтида таниқли санъаткорларни қўллаб-қувватлаган давлат арбоби Усмон Юсупов Бухорога борганида меҳнаткашлар даврасида қўшиқ айтаётган Саттор Ярашевнинг кучли овозига эътибор беради ва уни Тошкент вилоятининг Янгийўл театрига ишга олиб келади. Жамоа 1944 йили ҳозирги Муқимий номидаги театрга кўчирилади. Саттор Ярашев ҳам Тошкентда фаолиятини давом эттиради. Ўша йили у катта концерт залида янграган "Жалолиддин" номли ораторияда Темур Малик образини муваффақиятли ижро этади.

Умр ибрати

С.Ярашев 1947—1952 йилларда Москва давлат консерваторияси қошида очилган ўзбек опера студиясида ўқиди. Бу ерда кўплаб концертларда қатнашиб, ўзбекча "Жон Ўзбекистон", "Ватан", русча "Россия" поэма-балладаси, "Ах ты душечка" халқ қўшиғи, озарбойжонча "Хумор ўлдим" қўшиқлари билан мухлислар олқишига сазовор бўлди. Москвада ўтган ўзбек адабиёти ва санъати ўн кунлиги тадбирларида фаол қатнашиб, хонандалар танловида фахрий дипломга сазовор бўлди. Ўқишни тугатиб Тошкентга қайтгач, Алишер Навоий номидаги опера ва балет театрига солист сифатида ишга қабул қилинди. Бу даргоҳда Ҳалима Носирова, Мухтор Ашрафий, Насим Ҳошимов, Назира Аҳмедова, Саодат Қобулова, Фазлиддин Шамсутдинов каби санъат дарғалари билан ҳамкорликда иш бошлаган С.Ярашевнинг биринчи роли Узеир Ҳожибековнинг "Кўрўғли" операси бош қаҳрамони Равшан образи бўлди. Тез орада матбуотда хонданданинг чиройли, кучли овози, ашулачилик маданияти ва хонандалик маҳорати ҳақида самимий фикрлар айтилган мақолалар чоп этилди. Бирин-кетин "Бўрон", "Княз Игорь", "Лайли ва Мажнун", "Тоҳир ва Зуҳра" операларида С.Ярашев бош қаҳрамонлар образини яратиб, халқ орасида кенг танилди. У концертларда фаол қатнашиб, ўзбек мумтоз ашулаларини, халқ қўшиқларини катта маҳорат билан ижро этиб, тингловчилар меҳрини қозонди. Санъаткор 1954 йили "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист", 1959 йили "Ўзбекистон халқ артисти" унвонларига сазовор бўлди. Саттор Ярашев театрда ишлаш билан бирга Тошкент Театр ва рассомлик санъати институтида талабаларга вокалдан дарс берди. Чорак асрлик устозлик фаолияти давомида ёшларнинг малакали хонанда бўлиб етишишига ўз ҳиссасини қўшди. Кўплаб газета ва журналларда устоз санъаткорнинг ўзбек опера ва қўшиқчилик санъати учун малакали кадрлар тайёрлашга ҳамда янги саҳна асарлари талқинига бағишланган мақолалари чоп этилди.

Ҳамкасблари, шогирдлари Саттор Ярашевнинг ажойиб оила бошлиғи ва беш фарзандининг меҳрибон отаси сифатидаги фазилатларини ҳавас билан тилга олсалар, санъаткор яшаган "Комолон" маҳалла аҳли унинг маҳалладошларга самимий муносабати, қўлидан келганча берган ёрдамларини миннатдорлик билан эслашади. Дарҳақиқат, С.Ярашев камтарин, соддадил инсон, меҳрибон устоз, 76 ёшида ҳам мумтоз ашулаларимиз ва опера асарларини қиёмига етказиб куйлаган улкан санъаткор эди.

* * *

Кеча Алишер Навоий номидаги давлат академик катта театрида ўзбек опера ва хонандалик санъатининг етук намояндаси, Ўзбекистон халқ артисти Саттор Ярашев таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан ижодий хотира кечаси ўтказилди.

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон халқ артисти Сулаймон Шодмонов, Консерватория проректори Аваз Мансуров, таниқли санъаткорлар Бахтиёр Расулов, Раъно Ҳидоятова, Гулгина Зокирова, Пўлат Мустафоев ва бошқалар устоз санъаткорнинг ўзбек мусиқа маданиятига, опера санъати ривожига, кадрлар тайёрлаш ишига қўшган улкан ҳиссаси, инсоний фазилатлари ҳақида сўзладилар. Концерт дастурида театрнинг таниқли ва ёш хонандалари ижросида "Дилором", "Майсаранинг иши", "Лайли ва Мажнун", "Тоҳир ва Зуҳра", "Зайнаб ва Омон" операларидан ариялар, Юлдуз Турдиева ижросида "Мавриги" ашуласи янгради. "Тумор" ансамблининг "Бухороча" рақси мухлисларга манзур бўлди. Дастур композитор С.Юдаковнинг "Карнавал" вальси билан якунланди.

Г.УМАРОВА

ШАР УСТИДАГИ ҚИЗ

Машҳур рассом Пабло Пикассо асосан Францияда ижод қилган. Рассом ижодида кўпроқ оддий халқ ҳаёти, жумладан, кўчманчи цирк актёрлари, гадолар тасвирини кўрамиз. "Кекса гадо ўғил бола билан", "Абсентни яхши кўрадиган аёл", "Кўчманчи гимнастлар", "Уч мусиқачи", "Шар устидаги қиз", "Уйқу" каби суратлари шундай асарлар сирасига киради. Рассом ижоди давомида тасвирий санъатда янги материаллар ва услубларни қўллаш, янги шакллардан фойдаланиш, турли оқимларга хос асарлар яратишга ҳаракат қилди. Унинг изланишлари натижасида Франция тасвирий санъатида кубизм оқими пайдо бўлди. Мазкур оқим вакилларининг фикрларига кўра, ҳар қандай предмет асосида геометрик шакллар: куб, конус, пирамида, призма, цилиндр, шар ва бошқа шакллар ётади, расм ишлашда улардан фойдаланиш лозим. Гарчи П.Пикассо ижодига сюрреализмнинг таъсири кучли бўлса-да, у борлиқ гўзалликларини, улардаги уйғунликни акс эттирувчи реализм йўналишида портрет ва композициялар ҳам яратган.

Кўнгил минтақаси

Ижодкор ўз фикрини қарама-қарши шакллар асосида томошабинга етказишга ҳаракат қилади. Қуйида "Шар устидаги қиз" асари мисолида шакллар психологиясини бадиий таҳлил қилиш технологияси ҳақида тўхталиб ўтамиз. Пикассо бир куни кўчада сайёр оилавий цирк ўйинчилари машқ қилаётганини кўриб қолади. Машқни кузатган рассом катта ғоя билан кўтаринки руҳда уйига қайтади. Олган таассуротлари асосида "Шар устидаги қиз" композициясини яратади. Илмий тадқиқотчиларнинг айтишича, Пикассонинг бу асари янги давр, яъни ижодининг "Пушти" даврида бажарилган. Асарда кўчманчи цирк артистларининг ҳаёт қувончлари ва ташвишлари ўз аксини топган. Биз асардаги асосий унсурларнинг рамзий маъноларини шарҳлашга ҳаракат қилдик.

Композиция симметрик жойлаштирилган бўлиб, чап томонда шар устидаги нозик гимнаст қиз, ўнг томонда эса куб устида ўтирган полвон спортчи ота турғун ҳолда акс эттирилган. Ота томошабинга тескари ҳолда чап томонга қараб хаёл сураётган ҳолатда тасвирланган. Унинг хаёл нуқтаси картинадан ташқарига йўналган. Шар устидаги қиз мувозанатини сақлаш учун бироз эгилган ҳолда қўлини юқорига кўтариб олган. Қиёфасида ёшлик ғайрати сезилса-да, юрагида қўрқув аломатлари борлиги ҳаракатида ўз ифодасини топган. Ота тинч ва хотиржам кўринсада, қалби нотинч экани қиёфасидан сезилади. Асарнинг чап томони ҳаракатда, ўнг томонида, аксинча, турғунлик, қарама-қарши ҳолат берилган. Яъни ушбу асарда симметриядаги ассимметрияни кўриш мумкин.



Суратнинг орқа томонида ялангликкўзга ташланади. Улар бешта горизонтал чизиқларда нотекис акс эттирилган. Бу қизнинг эгри-бугри ҳаёт йўли ва ўтиш даврларининг рамзий ифодасидир. Бундан ташқари мазкур чизиқлар кўчманчи циркчилар ҳаётидаги ўзига хос қийинчиликларни акс эттиради. Чунки рассом ўша даврда кўчманчи циркчилар ҳаёти ниҳоятда ачинарли, қашшоқлик ва касалликдан иборат эканини қалбан ҳис қилган. Улар кулиб ўйин кўрсатсалар-да, қалбларида маъюслик ва қайғу борлиги сезилиб турарди. Асарнинг ўртасида оқ от тасвири бўлиб, орқа планнинг чап томонида бола кўтарган она, бола ва кучукча от томонга қараб тургани акс этган.

Картинада отанинг орқа ўгириб ўтирган ҳолати мазмуни шундаки, у ўз ортидан қоладиган фарзандлари келажаги ва тақдири ҳақида ғамхўрлик қилаётгани руҳий жиҳатидан турғун ҳолатда берилган, хаёл жараёни ҳаракатда кўрсатилган. Бу билан Пабло Пикассо ота–оналарни фарзандлари тақдирига бефарқ бўлмасликка, уларнинг келажаги учун қайғуришга чақиради.

Саидахбор БУЛАТОВ

Дийдор

ХОНДАЙЛИҚ ҚИШЛОҒИДА

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Халқ ёзувчиси Муҳаммад Али, уюшманинг Тошкент вилоят бўлими раҳбари, Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир, адабиётшунос олимлар, журналист ва устоз-муаллимлар Бўстонлиқ туманининг сўлим Хондайлиқ қишлоғи сари йўл олдик.

Осмонўпар тоғлар бағрида жойлашган Хондайлиқ қишлоғидаги 10-умумтаълим мактаби ҳовлисида таниқли адиб Асад Асил бизни кутиб олди. Мактабнинг шинам залини тўлдириб ўтирган ўқувчилар кўзидаги қаяжонни кўриб, беихтиёр ёшлигинг ёдга тушади.

Аълочи ўқувчилар ўз даврининг илғор зиёлиларидан бўлган Сидқий Хондайлиқий хотирасига бағишланган адабий кечага қизғин ҳозирлик кўришибди. Бир ўқувчи қиз "Шарқ юлдузи" журналида ёзувчи Асад Асилнинг Сидқий Хондайлиқий ҳақидаги мақоласини қизиқиш билан ўқиганини айтаркан, ўз таассуротларини шундай баён этди:

— Буюк бобомизнинг асли исм-шарифи Сирожиддин Маҳдум Мирзоҳидохунд ўғли бўлиб, Сидқий Хондайлиқий тахаллуси билан ижод қилган. Ёшлигида тош йўниб, унга ишлов бериш, хат ёзиш, турли безаклар тушириш, суратлар ишлаш билан шуғулланган. Китоб ўқишга иштиёқи баланд истеъдод соҳиби Тошкент адабий муҳитининг истеъдодли вакили, шоир, ҳаттот, таржимон Муҳаммад Шоҳмурод котибга шогирд тушган. Кўқалдош, Беклербеги мадрасаларида таҳсил олган. Мискин, Хислат, Камий каби қаламкашлар билан дўстлашиб, шеър ёзиш сирларини ўрганган. Унинг шеърларида инсоний фазилатлар, муҳаббат мавзулари алоҳида ўрин тутади. Шоирнинг «Муҳораба», «Яшасун ёшлар», «Тоза ҳуррият», «Тазкираи имоми Аъзам» каби асарлари маънавий меросимизга айланган. Сидқий Хондайлиқий кўчирган девон, баёз ва рисолалар, тошлавҳалар ҳамда чизган суратлари кутубхоналарда, 20 дан ортиқ босма ва қўлёзма асарлари Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институтида сақланади. 1998 йил Тошкентда Сидқий Хондайлиқийнинг «Танланган асарлар»и нашр этилган.

Ўқувчилар Сидқий Хондайлиқий қаламига мансуб шеърлардан ўқиди, шеърхонлик адабий суҳбатга уланиб кетди.

Тадбирда, шунингдек, азалдан аждодларимиз китобхон бўлганлиги, шунга яраша кўҳна заминимизда маданият ва маънавият юксак даражада ривожланганги, шу юртдан ўнлаб алломалар, буюк шоирлар етишиб чиққани ҳақида сўз юритилди, бугун китобга бўлган муносабат давлат сиёсати даражасига кўтарилгани, бу борада муҳим ҳужжатлар қабул қилингани алоҳида таъкидланди. Янги китоблар ҳақидаги дилтортар суҳбатлар ўқувчиларда катта таассурот қолдирди. Ёш китобхонлар бу мавзуда ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар. Ёзувчилар уюшмаси томонидан аълочи ўқувчиларга китоблар ҳадя этилди.

Тўлқин ЭШБЕК

Нигоҳ

МУҲАББАТ БОҒИ



Бухоролик мусаввир Даврон Тошев миниатюра жанрида ижод қилади. Тошкент Фотосуратлар уйида ўз ижоди билан Бухоро тасвирий санъат мактабининг қадимий анъана ва услубларини англаш ҳамда тиклашга ҳаракат қилаётган ижодкорнинг "Муҳаббат боғи" номли кўргазмаси очилди. Мусаввирнинг ҳар бир композициясида мавзуга мутаносиб ранглар қуёш нурлари каби жилоланади. Жумладан, "Боғда базм", "Баҳром қора қасрда", "Висол", "Туш", "Муҳаббат рақси", "Шоҳона ов" сингари ўнлаб ишлари замонавий миниатюра йўналишининг сара намуналаридир.

* * *

Пойтахтимиздаги халқаро Маданият карвонсаройида очилган кўргазма графика санъатига бағишланди. Унда қирққа яқин таниқли ва ёш рассомларнинг юздан зиёд асари намойиш этилмоқда. Леким Ибрагимов, Марат Содиқов, Александр Ли, Галина Ли, Анвар Мамажонов, Ҳусан Содиқов, Радик Азизов, Муҳаммад Фозилий ва бошқа кўплаб мусаввирларнинг ишлари устоз-шогирд анъаналари бардавомлигининг ёрқин намунасидир. Қашқадарёлик Д.Нозиловнинг "Юқори Зарафшон", "Бошчорбоғ қишлоғидаги эски масжид", Камола Субҳонованинг "Тоғларда оқшом", "Хайрли тонг", Анвар Мамажоновнинг "Эски ва севимли" номли туркум ишлари қизиқарли мавзуси ва ёрқин ранглари билан томошабинларда катта таассурот қолдирди.

С.ҚОСИМОВА

Китоб миллатнинг ақл кўзини ёритувчи офтобдир

ЎЗБЕКИСТОН МАТБУОТ ВА АХБОРОТ АГЕНТЛИГИНИНГ ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ НАШРИЁТ-МАТБАА ИЖОДИЙ УЙИ

Сизга тақдим этилаётган ўзбек ва жаҳон адабиётининг энг сара намуналаридан баҳраманд бўлинг.

Мурожаат учун манзил: 100128,Тошкент ш., Лабзак кўчаси., 86 уй.
Телефонлар: (+99871) 241-83-29. Моб.: (+99895) 144-41-82, (+99893) 791-00-70, (+99895) 195-42-42
www.gglit.uz E-mail: info@gglit.uz

Маҳсулотлар сертификатланган. Хизматлар лицензияланган.

ОТА УЙИНИНГ ФАЙЗИ БЎЛАК

Алишер Навоий номидаги санъат саройида давлат буюртмаси асосида ишланган "Ота уй" фильмининг тақдимоти бўлиб ўтди.

Постановкачи режиссёр Александр Гамиров, сценарий муаллифлари Жасур Исҳоқов, Мастура Исҳоқова, оператор Иззатилла Лутфуллаев ҳамкорлигида суратга олинган мазкур фильмда Раҳим отанинг бошидан ўтган кечмишлар, ўзбекларнинг боқий қадриятлари акс эттирилган. Ўзбекистон халқ артисти Пўлат Саидқосимов бош қаҳрамон Раҳим ота тимсолида том маънода ўзбек характерини гавдалантирган.

Муаллифлар фарзандлар ота уйининг қадрига етмаётгани, инсоний қадриятлар унутилиб кетаётганини таъкидлаш билан бирга, бугун ўзлигимизга қайтиш, меҳр-оқибат, аждодлар меросига муҳаббат туйғулари ичра яшаш бахту саодатга олиб боришини қизиқарли лавҳаларда акс эттиришган. Актёр Алишер Узоқов ўз қаҳрамони Қурбоннинг ҳаракатларидаги босиқликни, елкасида оғир дард юки билан яшаётган, ўз оиласидан бевақт ажралган инсон қисматини очиб беролган. Феруза Собитова, Феруза Саидова, Учқун Тиллаев каби маҳоратли актёрлар ҳам ўзларига топширилган ролларни маромида талқин этишган.

Шу ўринда картинада кино динамикасининг сустлигини айтиб ўтмоқчи эдик. Асосий томошабоп сюжетлар, ўтмиш воқеалари ҳикоя тарзида берилади. Томошабинни ушлаб турувчи муҳим конфликтлар эса қаҳрамон ёзаётган хотира кундалигининг варақларида қолиб кетган. Ота уйини сотиб, ўз падарини шаҳарга олиб кетмоқчи бўлган нобоп ўғилнинг зумда ўзгариб қолиши ҳам ишонарсиз чиққан. Аммо бу персонаж талқинини яратган актёр Бобур Йўлдошевнинг маҳорати, ўзига хос характер яратиш услуби фильмда кўтарилган ғоянинг устунлигини таъминлаган.

"Ота уй" картинаси тарбиявий аҳамиятга эга кино асаридир. Муаллифлар отадан қолган уй — бу Ватан, унинг остонаси, ҳар бир қаричи фарзанд учун қадрли бўлиши, бир умр уни севиб, асраб-ардоқлаб яшаши керак, деган муҳим қадриятларни илгари сурадилар.

Достонбек РАҲМАТУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон санъат ва маданият институти магистранти

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ

Бошланиши биринчи саҳифада.

Танловда мамлакатимиздаги барча бадиий жамоалар, яккахон раққос-раққосалар, рақс соҳасида ижод қилаётган балетмейстерлар иштирок этишлари мумкин. Танловда иштирок этиш истагини билдирган раққос-раққосаларнинг ёши 18 дан 30 ёшгача бўлиши лозим. Иштирокчилар олий ва ўрта махсус ўқув юртларида таълим олган бўлишлари керак. Танлов бир босқичдан иборат.

ТАНЛОВНИНГ ШАРТЛАРИ:

— Яккахон раққос-раққосалар, рақс жамоалари иккита — (биринчиси) Бухоро Шашмақоми, (иккинчиси) Бухоро Мавригилари ёки замонавий бастакорларнинг ушбу йўналишларда яратилган якка ва оммавий рақсларини тавсия этишлари;

— тавсия этилган асарлар янгилиги, миллий руҳ устуворлиги, бадиий салмоғи, мазмун-моҳияти, таъсир кучи ва халқчиллиги билан ажралиб туриши;

— қатнашчилар ижрода нозик ҳаракат ва жило, латофат, имо-ишоралар орқали, шарқ аёлларининг гўзаллиги ва донолиги, йигитларнинг салобати, вазминлиги, Бухоро рақс санъатининг ўзига хос хусусиятларини кўрсатишлари;

— саҳна маданияти, қадимий анъана ва саҳна либосларига тўла риоя этишлари керак.

Танловда иштирок этиш истагини билдирган номзодлар (Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар) ҳужжатларни 2017 йил 15 декабргача вилоятлардаги «Ўзбекконцерт» бўлимларига, Тошкент шаҳар иштирокчилари «Ўзбекконцерт» давлат муассасаси (Навоий кўчаси, 2-уй, «Туркистон» санъат саройи) кўрик-танловнинг ташкилий қўмитасига топширишлари лозим (тел:235-61-23).

УМУМИЙ ҚОИДАЛАР:

Танловда иштирок этишни истаган рақс жамоалари ва яккахон раққосалар қуйидаги ҳужжатларни икки нусхада ташкилий қўмитага топширишлари керак:

— таржимаи ҳол;

— 13-18 ҳажмдаги фотосурат;

— иштирокчининг иш ёки ўқиш жойидан тавсиянома;

— ижодий фаолияти тўғрисида маълумотнома;

— ижро дастуридаги асарларнинг номи, мусиқа муаллифи, мумтоз ва халқ мусиқа асосидалиги, саҳналаштирувчи балетмейстер, либос рассоми-дизайнери исм-шарифи;

— танловга тавсия этилган ҳар бир асарнинг фонограммаси — тақдим этилаётган асарларнинг мусиқаси электрон варианти (флешка, дискет ёки БУТ), СБ дискларда бўлиши;

— ҳар бир саҳна асари 4-5 дақиқадан ошмаслиги керак. Иштирокчиларнинг саҳнага чиқиш навбати «қуръа» ташлаш орқали аниқланади.

Ҳар бир якка ва оммавий саҳна асарларини ҳайъат аъзолари 10дан 6 баллгача баҳолаб борадилар. Танлов иштирокчилари ва балетмейстерлар фаолияти очиқ овоз бериш йўли билан баҳоланади.

ҒОЛИБЛАРИГА ҚУЙИДАГИ СОВРИН ВА МУКОФОТЛАР ТОПШИРИЛАДИ:

Битта биринчи ўрин — **3 миллион сўм** ва биринчи даражали диплом (оммавий рақс учун);

Битта биринчи ўрин — **3 миллион сўм** ва биринчи даражали диплом (якка рақс учун);

Битта иккинчи ўрин — **2 миллион сўм** ва иккинчи даражали диплом (оммавий рақс учун);

Битта иккинчи ўрин — **2 миллион сўм** ва иккинчи даражали диплом (якка рақс учун);

Битта учинчи ўрин — **1 миллион сўм** ва учинчи даражали диплом (оммавий рақс учун);

Битта учинчи ўрин — **1 миллион сўм** ва учинчи даражали диплом (якка рақс учун);

Танловда иштирок этган балетмейстерлар «Энг истеъдодли балетмейстер» номинацияси бўйича 3 та диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланади.

Кўрик-танловда фаол иштирок этган раққос-раққосалар ва балетмейстерлар махсус диплом ва ҳомийларнинг мукофотлари билан тақдирланади.

Маълумот учун тел: (+998 71) 235-61-23

Ташкилий қўмита.

"Ўзбеккино" Миллий агентлиги, Ўзбекистон Киноарбоблари уюшмаси таниқли кино ва театр актёри **Шуҳрат НУРАЛИЕВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Санъат нашрлари

"МОЗИЙДАН САДО"

2017 йил 4-СОН

Журналнинг мазкур сони илк саҳифаларида академик, санъатшунослик фанлари доктори А.Ҳакимовнинг Самарқандда бўлиб ўтган "Марказий Осиё ренессанси жаҳон тамаддуни тарихида" мавзусида халқаро илмий анжуманда ўқиган маърузаси асосида тайёрланган мақоласи босилган. Унда Шарқ ва Ғарб ренессанси ўртасидаги узвий ижодий алоқа илмий таҳлил қилинган.

В.Файзиеванинг "Маънавий тарбия даргоҳи" мақоласида Ўзбекистон давлат Санъат музейининг жамланмаси ва экспозицияга қўйилган ноёб экспонатлар тарихидан тортиб, музейнинг бугунги кундаги илмий-тарғибот фаолиятигача кенг қамровда ёритилган. Қорақалпоғистон Ўлкашунослик музейи осори атиқалари борасида С.Бойбосиновнинг "Қадим Хоразм мунчоқлари", У.Худойберганованинг "Тошкент политехника музейи" номли илмий-назарий материаллари берилган.

К.Худойбергановнинг илмий ахборотида ўтмиш тарихимизни ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилувчи Хива хонлиги тангалари ҳақида мулоҳаза юритилган бўлса, И.Абдураҳмоновнинг "Сўғд санъатида мифологик образлар" номли мақоласида илк ўрта аср маҳобатли тасвирий санъатида афсонавий сюжетлар ифодаси хусусида батафсил маълумот берилган. Ҳ.Тошкенбоевнинг "Искандар султон толеномаси", Т.Расуловнинг "Мирзо Улуғбек ва унинг замони", Б.Хўжаевнинг "Шайх Зайниддин меъморий ёдгорлиги" мақолалари мавзуларининг қизиқарлилиги билан эътиборга молик.

Шунингдек, Д.Сайфуллаев, Т.Ҳайит, Ў.Алимов, М.Исмоилова, О.Назаров ва Н.Турсуновнинг тарихимизнинг турли жабҳаларини ўрганишга бағишланган мақолалари ҳам журналхонларда катта қизиқиш уйғотади, деб ўйлаймиз.

Гули НОДИР қизи,
талаба

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

ҲОМИЙ: "МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ" АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент — 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 233-52-91 Электрон манзилимиз:
Котибият — 233-49-93 uzas.gzt@mail.ru

Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 233-58-86 Санъат бўлими: 233-56-40
Ижтимоий ҳаёт бўлими: 233-57-42 Назм ва наср бўлими: 233-58-60

Бош муҳаррир Сирожиддин САЙЙИД

Таҳририятга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Масъул котиб — Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир — Гулчеҳра УМАРОВА
Саҳифаловчи — Зафар РЎЗИЕВ

«ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Босмахона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти — 21.00. Босишга топширилди — 23.05

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 26.11.2014 йил 0283-рақам билан рўйхатга олинган. Адади — 3349. Буюртма Г — 1182. Ҳажми — 3 босма табоқ А-2.
Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 5 6

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.

СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН.

ISSN 2181-614X